



**ЎЛИМ ЖАЗОСИНИ БЕКОР ҚИЛИШ
ҲАМДА ҚАМОҚҚА ОЛИШГА САНКЦИЯ
БЕРИШ ҲУҚУҚИНИ СУДЛАРГА ЎТКАЗИШГА
ОИД НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР
ТЎПЛАМИ**




**СБОРНИК
НОРМАТИВНО-ПРАВОВЫХ АКТОВ ОБ
ОТМЕНЕ СМЕРТНОЙ КАЗНИ И ПЕРЕДАЧЕ
СУДАМ ПРАВА ВЫДАЧИ САНКЦИИ НА
ЗАКЛЮЧЕНИЕ ПОД СТРАЖУ**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги

**ЎЛИМ ЖАЗОСИНИ БЕКОР
ҚИЛИШ ҲАМДА ҚАМОҚҚА
ОЛИШГА САНКЦИЯ БЕРИШ
ҲУҚУҚИНИ СУДЛАРГА
ЎТҚАЗИШГА ОИД НОРМАТИВ-
ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР
ТЎПЛАМИ**

Расмий нашр



Тошкент
«Адолат»
2007

67.408(5У)

Ў69

Ўлим жазосини бекор қилиш ҳамда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами: Расмий нашр/ЎзР Олий суди, ЎзР Бош прокуратураси, ЎзР Миллий хавфсизлик хизмати, ЎзР Ички ишлар вазирлиги, ЎзР Адлия вазирлиги.
– Т.: Адолат, 2007 й., 184 бет.

Титул ва матн ўзбек ва рус тилларида.

ББК 67.408(5Ў)

ББК 67.410(5Ў)

© Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги «Адолат» нашриёти, 2007 йил.

ISBN 978-9943-332-48-5

КИРИШ СЎЗИ

Мамлакатимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг муҳим ва тарихий босқичи, шубҳасиз, ўлим жазосининг жиноий жазо тизимидан олиб ташланиши ҳамда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24-моддасида «Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир» деб белгилаб қўйилган.

Бинобарин, Ўзбекистон ўз Конституцияси орқали инсон ҳуқуқларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилиб, тоталитар тузумнинг инсонларни ўлим жазоси билан қўрқитиш ҳамда улар устидан зўравонлик принциpidан воз кечди ва бу тамойил мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг асосий йўналишларидан бирига айланди.

Давлатимиз раҳбари иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясида сўзлаган маърузасида **«Оғир жазо, айниқса, фуқароларни жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлган жазоларнинг жиноятчиликнинг олдини олишдаги аҳамиятини ошириб кўрсатиш ўринсиз эканлигини ҳаётнинг ўзи исботламоқда. Жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш самарадорлиги жазонинг оғирлиги ва шафқатсизлигига эмас, балки биринчи навбатда, қонунни бузган шахснинг жазонинг муқаррарлигини нечоғли англашига боғлиқ»**, дея таъкидлаганларидек, жазонинг қайта тарбиялаш ва огоҳлатириш таъсири асло унинг оғирлигида эмас, балки қанчалик муқаррар ва адолатли эканидадир.

Ватанимиз мустақилликка эришган дастлабки йилларда Жиноят кодексининг 30 дан ортиқ моддаларида ўлим жазоси мавжуд эди. Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб

Давлатимиз рахбарининг саъй-ҳаракатлари билан Жиноят кодексининг санкциясида ўлим жазоси белгиланган моддалар сони босқичма-босқич қисқартирилди. Жиноят кодексда 1994 йилда бундай моддалар сони 13 тага, 1998 йилда 8 тага, 2001 йилда 4 тага келтирилди. 2003 йилнинг охирида ушбу жазо тури 2 та жиноят – айбни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасдан одам ўлдириш ва терроризм учун қолдирилди.

Юртбошимиз 2005 йил 28 январда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида ўлим жазосини жинойӣ жазо тизимидан чиқариб ташлаш ҳамда қамокқа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш хусусида тўхталиб, **«Суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш борасида биз ҳал этишимиз лозим бўлган яна бир масала, бу жазолаш тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлашдир»**. ...**«Суд – одил судловнинг олий нуқтаси ва унинг ролини ошириш ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги қонуний жараён. Шу муносабат билан прокуратура ваколатларининг бир қисмини судларга ўтказиш ҳозирги замоннинг мантиқий талабидир. Ва бу, энг аввало, инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини, дахлсизлигини чеклаш билан алоқадор масалаларга тегишлидир»** дея таъкидлаган эдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августдаги **«Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»**ги ҳамда 8 августдаги **«Қамокқа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»**ги фармонларининг қабул қилиниши жамиятимиз ҳаётида инсонпарварлик тамойили сифатида эътироф этишимиз лозим бўлган улкан воқеа бўлди.

Ўзбекистонда ўлим жазосининг бекор қилиниши, қамокқа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга

Ўтказилиши халкимиз томонидан ижобий кутиб олинди ва жаҳон ҳамжамияти томонидан муносиб баҳоланди. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузасида шу ҳақда фикр юритиб, умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси фақат икки турдаги жиноят учун тайинланишини, аёлга, ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсга ва олтмиш ёшдан ошган эркакка нисбатан бундай жазо тури тайинланмаслигини алоҳида таъкидлаб, **«Ўзбекистонда юқорида қайд этилган жиноий жазо чораларининг жорий этилиши билан дунёда жиноий жазолашнинг энг инсонпарвар ҳуқуқий тизимларидан бири ташкил этилди. десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди»**, дея ҳақли равишда эътироф этдилар.

Дарҳақиқат, Ўзбекистоннинг жиноятчиликка қарши кураш сиёсати ўлим жазосини бекор қилиш ҳақидаги халқаро андозаларга мос келади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясида эълон қилинган инсонпарварлик ва одиллик тамойилларини тўлиқ ифода этади.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ушбу жараёнлар Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг ташаббуси билан босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотларнинг ёрқин ифодасидир.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ*

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг
Ахборотномаси, 1994 йил, 1-сон, 5-модда; Ўзбекистон
Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси,
2003 йил, 3-4-сон, 27-модда; Ўзбекистон
Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг
Ахборотномаси, 2007 йил, 4-сон, 162-модда)*

[Кўчирма]

ИККИНЧИ БЎЛИМ. ИНСОН ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ АСОСИЙ ХУҚУҚЛАРИ, ЭРКИНЛИКЛАРИ ВА БУРЧЛАРИ

V боб. Умумий қондалар

19-модда.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар. Фуқароларнинг Конституция ва қонуналарда мустақкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маърум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас.

VII боб. Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар

24-модда.

Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир.

25-модда.

Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга.

Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас.

* Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 8 декабрдаги 725-ХII-сон Қонуни билан тасдиқланган ва 1992 йил 8 декабрдан кучга киритилган.

26-модда.

Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади.

Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас.

Ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас.

Х боб. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари

44-модда.

Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ЎЛИМ ЖАЗОСИ БЕКОР ҚИЛИНИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АЙРИМ ҚОНУН ХУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА*

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
палаталарининг Ахборотномаси,
2007 йил, 6-сон, 248-модда)*

Қонунчилик палатаси томонидан
2007 йил 15 июнда қабул қилинган
Сенат томонидан 2007 йил 29 июнда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

* 2008 йил 1 январдан қучга киради.

1) **15-модданинг бешинчи қисмидаги** «ёки ўлим» деган сўзлар «ёхуд умрбод озодликдан маҳрум қилиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **43-модда биринчи қисмининг «з» бандидаги** «ўлим жазоси» деган сўзлар «умрбод озодликдан маҳрум қилиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **50-модда:**

иккинчи қисми «ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

қўйидаги мазмундаги **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш йигирма йилдан ортиқ, лекин йигирма беш йилдан кўп бўлмаган муддатга белгиланади ва фақат жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (97-модданинг иккинчи қисми) ва терроризм (155-модданинг учинчи қисми) учун тайинланиши мумкин.

Узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси аёлга, ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсга ва олтмиш ёшдан ошган эркакка нисбатан тайинланиши мумкин эмас»;

учинчи — тўққизинчи қисмлари тегишинча **бешинчи — ўн биринчи** қисмлар деб ҳисоблансин;

еттинчи қисми «г» бандидаги «Афв этилиб, ўлим жазоси» деган сўзлар «Умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилганлар, шунингдек афв этиш тартибида умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **51-модда** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«51-модда. Умрбод озодликдан маҳрум қилиш

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш фавқулодда жазо чораси бўлиб, маҳкумни махсус тартибли жазони ижро этиш колониясига жойлаштириш орқали жамиятдан муддатсиз ажратиб қўйишдан иборатдир.

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси фақат жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (97-модданинг иккинчи қисми) ва терроризм (155-модданинг учинчи қисми) учун белгиланади.

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси аёлга, ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсга ва олтмиш ёшдан ошган эркакка нисбатан тайинланиши мумкин эмас»;

5) 58-модда:

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Тамом бўлмаган жиноятлар учун умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланиши мумкин эмас»;

иккинчи қисми учинчи қисм деб ҳисоблансин;

6) 59-модда:

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи** ва **бешинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Содир этилган жиноятлардан биттаси учун умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланганда энгилроқ турдаги жазони умрбод озодликдан маҳрум қилиш билан қоплаш орқали жазо узил-кесил тайинланади.

Содир этилган жиноятлардан биттаси учун узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланганда жазоларни тўла ёки қисман қўшиш ёхуд энгилроқ жазони оғирроғи билан қоплаш орқали жазо узил-кесил тайинланади»;

тўртинчи, бешинчи ва **олтинчи қисмлари** тегишинча **олтинчи, еттинчи** ва **саккизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

7) 60-модда:

қуйидаги мазмундаги **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Агар ҳукмлардан бири билан умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланган бўлса, бир неча ҳукмлар юзасидан жазоларни қўшишда

енгилроқ жазо турини умрбод озодликдан маҳрум қилиш билан қоплаш орқали жазо узил-кесил тайинланади.

Агар ҳукмлардан бири билан узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган бўлса, бир неча ҳукмлар юзасидан жазоларни қўшишда енгилроқ жазони офирроғи билан қоплаш ёхуд жазоларни тўла ёки қисман қўшиш йўли билан жазо узил-кесил тайинланади»;

учинчи ва **тўртинчи қисмлари** тегишинча **бешинчи** ва **олтинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

8) **64-модданинг олтинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу Кодекс Махсус қисмининг моддасида умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш назарда тутилган жиноятни содир этган шахсга нисбатан, жавобгарликка тортиш муддатларини қўллаш масаласи суд томонидан ҳал қилинади. Агар суд жавобгарликка тортиш муддатини қўллашни лозим топмаса, умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўрнига озодликдан маҳрум қилиш тайинланади»;

9) **69-модданинг бешинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм этилган шахсга нисбатан муддатлар ўтишини қўллаш масаласи суд томонидан ҳал қилинади. Агар суд муддатлар ўтишини қўллашни лозим топмаса, умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилади»;

10) **73-модда тўртинчи қисмининг:**

«**а**» **банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«а) умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган шахсга»;

«**г**» **бандидаги** «гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни» ва «шунингдек гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни кўп миқдорда қонунга ҳилоф равишда сотиш» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

11) **76-модда** қуйидаги мазмундаги **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Афв этиш тўғрисидаги илтимоснома умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган шахс томонидан у тайинланган жазонинг йигирма беш йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин, агар жазони ўташ даврида маҳкум қатъий тузалиш йўлига ўтган, белгиланган тартибни бузганлик учун интизомий жазо олмаган, меҳнат ва ўқишга нисбатан виждонан муносабатда бўлаётган, тарбиявий тадбирлар ўтказишда фаол иштирок этаётган тақдирда эса, тайинланган жазонинг йигирма йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин берилиши мумкин.

Афв этиш тўғрисидаги илтимоснома узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган шахс томонидан у тайинланган жазо муддатининг йигирма йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин, агар жазони ўташ даврида маҳкум қатъий тузалиш йўлига ўтган, белгиланган тартибни бузганлик учун интизомий жазо олмаган, меҳнат ва ўқишга нисбатан виждонан муносабатда бўлаётган, тарбиявий тадбирлар ўтказишда фаол иштирок этаётган тақдирда эса, тайинланган жазонинг ўн беш йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин берилиши мумкин»;

12) **97-модда иккинчи қисмининг санкциясидаги** «йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки ўлим жазоси» деган сўзлар «йигирма беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) **155-модда учинчи қисмининг санкциясидаги** «йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки ўлим жазоси» деган сўзлар «йигирма беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 11, 23-моддалар, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **51-модда биринчи қисмининг 4-бандидаги** «ўлим жазоси тайинланиши» деган сўзлар «умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **473-модданинг тўртинчи қисмидаги** «ўлим жазосига» деган сўзлар «умрбод озодликдан маҳрум қилишга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган 409–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 6, 175-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **12-модданинг учинчи қисми** чиқариб ташлансин;

2) **14-модданинг иккинчи қисмидаги** «ўлим жазоси» деган сўзлар «умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **49-модданинг матни** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Махсус тартибли колониялар озодликдан маҳрум қилиниб, ўта хавфли рецидивист деб топилган эркакларни, шунингдек умрбод озодликдан маҳрум қилинган маҳкумларни сақлаш учун мўлжалланган.

Махсус тартибли колонияларда умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси афв этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилган эркаклар ҳам сақланади»;

4) **58-модда иккинчи қисмининг учинчи хатбошиси** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси афв этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилган маҳкумлар»;

5) **82-модда учинчи қисмининг учинчи хатбошиси** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«умрбод озодликдан маҳрум қилинганлар, шунингдек умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси афв этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилган шахслар»;

6) **113-модда учинчи қисмининг учинчи хатбошиси** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«узок муддатга озодликдан маҳрум қилинганлар, шунингдек умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси афв этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилган шахслар»;

7) **120-модда биринчи қисмининг учинчи хатбошиси** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«умрбод озодликдан маҳрум қилинганлар, шунингдек умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси афв этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилган шахслар»;

8) **V бўлим** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«V бўлим. Умрбод озодликдан маҳрум қилиш
тариқасидаги жазони ижро этиш**

**24-боб. Умрбод озодликдан маҳрум қилиш
тариқасидаги жазони ижро этиш
тартиби ва шартлари**

**136-модда. Умрбод озодликдан маҳрум
қилиш тариқасидаги жазони
ўташ тартиби**

Умрбод озодликдан маҳрум қилинган маҳкумлар махсус сақлаш шароитларига эга бўлган махсус тартибли колонияларда сақланадилар. Уларга нисбатан ушбу бобда назарда тутилган хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда махсус тартибли колониялар тартиби татбиқ этилади.

Умрбод озодликдан маҳрум қилинган маҳкумлар камераларга кўпи билан икки кишидан жойлаштириладилар. Маҳкумларнинг илтимосига кўра ёки зарурат тақозо этганда улар бир кишилик камераларда сақланишлари мумкин.

Умрбод озодликдан маҳрум қилинган маҳкумлар жазони қаттиқ, одатдаги ва енгиллаштирилган сақлаш шароитларида ўтайдилар.

Умрбод озодликдан маҳрум қилинган маҳкумлар жазонинг дастлабки ўн йилини қаттиқ сақлаш шароитларида ўтайдилар.

Жазонинг камида ўн йилини ўтаган, белгиланган тартибни бузганлик учун интизомий жазо олмаган умрбод озодликдан маҳрум қилинган маҳкумлар қаттиқ сақлаш шароитларидан одатдаги сақлаш шароитларига ўтказилишлари мумкин.

Жазонинг камида ўн беш йилини ўтаган, белгиланган тартибни бузганлик учун интизомий жазо олмаган умрбод озодликдан маҳрум қилинган маҳкумлар одатдаги сақлаш шароитларидан енгиллаштирилган сақлаш шароитларига ўтказилишлари мумкин.

137-модда. Умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўташ шартлари

Умрбод озодликдан маҳрум қилинган битта маҳкумга тўғри келадиган яшаш майдони нормаси тўрт квадрат метрдан кам бўлиши мумкин эмас.

Умрбод озодликдан маҳрум қилиниб, жазони қаттиқ сақлаш шароитларида ўтаётган маҳкумлар ўз шахсий ҳисобварағида мавжуд бўлган маблағлардан белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг етмиш беш фоизигача бўлган суммага ҳар ойда озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олиш, йил мобайнида бир марта қисқа муддатли учрашув, бир марта телефон орқали сўзлашув, битта посилка ёки йўқлов, битта бандерол олиш ҳуқуқига эга.

Умрбод озодликдан маҳрум қилиниб, жазони одатдаги сақлаш шароитларида ўтаётган маҳкумлар ўз шахсий ҳисобварағида мавжуд бўлган маблағлардан қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг бир бараваригача миқдордаги суммага ҳар ойда озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олиш, йил мобайнида бир марта узок муддатли ва бир марта қисқа муддатли учрашув, икки марта телефон орқали сўзлашув, иккита посилка ёки йўқлов, иккита бандерол олиш ҳуқуқига эга.

Умрбод озодликдан маҳрум қилиниб, жазони енгиллаштирилган сақлаш шароитларида ўтаётган маҳкумлар ўз шахсий ҳисобварағида мавжуд бўлган маблағлардан белгиланган энг кам иш ҳақининг бир ярим бараваригача миқдордаги суммага ҳар ойда озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олиш, йил мобайнида бир марта узок муддатли ва икки марта қисқа муддатли учрашув, уч марта телефон орқали сўзлашув, учта посилка ёки йўқлов, учта бандерол олиш ҳуқуқига эга.

Умрбод озодликдан маҳрум қилинган маҳкумлар, сақлаш шароитларидан қатъи назар, ҳар куни бир ярим соатгача сайр қилиш ҳуқуқига эга.

138-модда. Умрбод озодликдан маҳрум қилинган маҳкумларнинг меҳнатини ташкил этиш

Умрбод озодликдан маҳрум қилинган маҳкумларнинг меҳнати одатдаги ва енгиллаштирилган сақлаш шароитларида сақланаётган шахслар учун иш камераларида ташкил этилади.

139-модда. Рағбатлантириш ва интизомий жазо чоралари

Умрбод озодликдан маҳрум қилинган маҳкумларга нисбатан ушбу Кодекс 102-моддаси биринчи қисмининг иккинчи – бешинчи хатбошиларида назарда тутилган рағбатлантириш чоралари қўлланилади. Жазони ўташнинг енгиллаштирилган шароитларига белгиланган тартибда ўтказилган маҳкумларга нисбатан рағбатлантириш тартибида қўшимча учрашиш ёки телефон орқали сўзлашиш имконияти ҳам берилиши мумкин.

Умрбод озодликдан маҳрум қилинган маҳкумларга нисбатан ушбу Кодекс 105-моддаси биринчи қисмининг иккинчи, учинчи ва бешинчи хатбошиларида назарда тутилган интизомий жазо чоралари қўлланилади. Умрбод озодликдан маҳрум қилиниб, одатдаги ва енгиллаштирилган сақлаш шароитларида белгиланган тартибни ашаддий бузувчи деб топилган маҳкумлар қўйидаги тартибда:

енгиллаштирилган сақлаш шароитларидан одатдаги ёки қаттиқ сақлаш шароитларига;

одатдаги сақлаш шароитларидан қаттиқ сақлаш шароитларига ўтказилишлари мумкин.

140-модда. Афв этиш тўғрисида илтимоснома бериш

Афв этиш тўғрисида илтимоснома бериш ва уни қўриб чиқиш тартиби конун ҳужжатларида белгиланади.

Афв этиш тўғрисидаги илтимоснома умрбод озодликдан маҳрум қилинган шахс томонидан у

тайинланган жазонинг йигирма беш йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин, агар жазони ўташ даврида маҳкум қатъий тузалиш йўлига ўтган, белгиланган тартибни бузганлик учун интизомий жазо олмаган, меҳнат ва ўқишга нисбатан виждонан муносабатда бўлаётган, тарбиявий тадбирлар ўтказишда фаол иштирок этаётган тақдирда эса, тайинланган жазонинг йигирма йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин берилиши мумкин.

Афв этиш тўғрисидаги илтимоснома узок муддатга озодликдан маҳрум қилинган шахс томонидан у тайинланган жазо муддатининг йигирма йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин, агар жазони ўташ даврида маҳкум қатъий тузалиш йўлига ўтган, белгиланган тартибни бузганлик учун интизомий жазо олмаган, меҳнат ва ўқишга нисбатан виждонан муносабатда бўлаётган, тарбиявий тадбирлар ўтказишда фаол иштирок этаётган тақдирда эса, тайинланган жазонинг ўн беш йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин берилиши мумкин».

4-модда. Ушбу Қонун 2008 йилнинг 1 январидан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2007 йил 11 июль,
ЎРҚ-99-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ҚАМОҚҚА ОЛИШГА САНКЦИЯ БЕРИШ ҲУҚУҚИ СУДЛАРГА ЎТКАЗИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АЙРИМ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА*

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
палаталарининг Ахборотномаси,
2007 йил, 6-сон, 249-модда)*

Қонунчилик палатаси томонидан
2007 йил 15 июнда қабул қилинган
Сенат томонидан 2007 йил 29 июнда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 11, 23-моддалар, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **18-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

* 2008 йил 1 январдан кучга киради.

«Хеч ким суд қарорига асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас»;

2) **29-модданинг биринчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Суднинг ваколатларига: қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаш муддатини узайтириш масалалари билан боғлиқ илтимоснома, шикоят ва протестни эҳтиёт чоралари тўғрисида қарор чиқарган судни албатта хабардор қилган ҳолда кўриб чиқиш; жиноят ишини суд муҳокамасига тайёрлаш; ишни муҳокама қилиш ва ҳукм чиқариш ёки бошқа қарор қабул қилиш; ишни апелляция, кассация, назорат тартибида кўриб чиқиш; ҳукмни ижро эттириш киради»;

3) **36-модданинг:**

биринчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Терговчи: жиноят ишини қўзғатишга ва тугатишга, ишни қўзғатишни рад этишга; жиноятни содир этишда гумон қилинаётган шахсларни ушлаш ва сўроқ қилишга; ушбу Кодексда назарда тутилган тергов ҳаракатларини олиб боришга; шахсни ишда айбланувчи тарикасида иштирок қилиш учун жалб этиш тўғрисида ва унга нисбатан эҳтиёт чорасини танлаш ҳақида қарор қабул қилишга, қамоққа олиш бундан мустасно; ўз юритувига қабул қилган ишлар бўйича суриштирув органларига қидирув ва тергов ҳаракатларини бажариш тўғрисида ёзма топшириқлар беришга; суриштирув органларидан айрим тергов ҳаракатларини юритишда кўмаклашишни талаб қилишга; қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома беришга, шунингдек эҳтиёт чорасини ушбу Кодекснинг 240-моддасига мувофиқ бекор қилиш ёки ўзгартиришга ҳақлидир»;

учинчи қисмидаги «эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш ҳақидаги» деган сўзлар «қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақидаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **217-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Суриштирувчи, терговчи, прокурор гумон қилинувчига, айбланувчига нисбатан ушлаб туриш ёхуд экспертиза ўтказиш учун тиббий муассасага жойлаштириш тарзида процессуал мажбурлов чораси қўллаганида (қамоққа олинган тақдирда эса суд) бу ҳақда йигирма тўрт соатдан кечиктирмасдан унинг оила аъзоларидан бирига, улар бўлмаган тақдирда эса қариндошларига ёки яқин кишиларига хабар бериши, шунингдек бу ҳақда иш ёки ўқиш жойига маълум қилиши шарт»;

5) **226-модда:**

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушлаб туриш муддати ушланган милицияга ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилган найтдан бошлаб қўпи билан етмиш икки соатни ташкил этади. Терговчи ёки прокурор томонидан зарур ва етарли асослар тақдим этилганда ушлаб туриш суднинг қарори билан қўшимча равишда қирк саккиз соатга узайтирилиши мумкин»;

учинчи қисмининг биринчи жумласи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Алоҳида ҳолларда ушлаб турилган гумон қилинувчига нисбатан суд томонидан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилиши мумкин»;

6) **227-модданинг иккинчи қисми** чиқариб ташлансин;

7) **234-модданинг:**

номидаги «Ушлаб турилганларни» деган сўзлар «Ушлаб турилгани» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жиноят содир этишда гумон қилиниб ушлаб турилган шахс, агар:

1) жиноят содир этганлиги ҳақидаги гумон тасдиқланмаса;

2) ушлаб турилганга нисбатан қамоққа олиш

тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш зарурати бўлмаса ёки уни қўллаш суд томонидан рад этилса;

3) ушлаб туришнинг белгиланган муддати тугаган бўлса ва ушлаб турилганга нисбатан камоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилмаган ёхуд ушбу Кодекс 243-моддаси ўнинчи қисмининг 3-бандига мувофиқ ушлаб туриш муддати узайтирилмаган бўлса, озод қилинади»;

тўртинчи қисмидаги «ёхуд унга нисбатан камоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақидаги қарори» деган сўзлар «қарори ёхуд суднинг уни ушлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги ёки унга нисбатан камоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақидаги ажрими» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **239-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси:

1) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати ва Сенати аъзосига нисбатан – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тегишли палатаси ёки унинг Кенгаши розилиги билан;

2) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилига (омбудсманга) нисбатан – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг розилиги билан;

3) Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатига, халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар Кенгашининг депутатига нисбатан – Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, тегишли халқ депутатлари Кенгаши ёки уларнинг раҳбарлари розилиги билан;

4) Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг судьясига нисбатан – Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг розилиги билан, Ўзбекистон Республикасининг бошқа судлари судьяларига нисбатан – тегишинча Ўзбекистон

Республикаси Олий суди Пленумининг ёки Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг розилиги билан;

5) прокурор ва прокуратура терговчисига нисбатан – Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг розилиги билан қўлланилиши мумкин»;

9) 240-модда:

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ишни судга қадар юритиш босқичида қўлланилган қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси шахсни бундан кейин қамоқда сақлаш учун асослар мавжуд бўлмаганда прокурор томонидан, шунингдек прокурорнинг розилиги билан терговчи томонидан эҳтиёт чоралари тўғрисида қарор чиқарган судни албатта хабардор этган ҳолда бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин. Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасининг бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши ушбу эҳтиёт чорасини айнан ўша шахсга нисбатан қўллаш тўғрисидаги илтимоснома билан судга такроран мурожаат этишга монелик қилмайди»;

иккинчи қисми учинчи қисм деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилинган ёхуд ўзгартирилган тақдирда, қамоқда сақланаётган шахс дарҳол озод қилиниши керак»;

10) 241 – 243-моддалар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«241-модда. Эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги қарор устидан шикоят бериш ва протест билдириш

Эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги қарор устидан терговни назорат қилаётган, уни бекор қилишга ёки ўзгартиришга ҳақли бўлган прокурорга шикоят

берилиши мумкин. Прокурор шикоятни олган пайтдан эътиборан уч сутка ичида уни кўриб чиқиши ҳамда шикоят берган шахсни ўз қароридан хабардор этиши шарт.

Дастлабки тергов босқичида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақидаги ёки қамоқда сақлаш муддатини узайтириш тўғрисидаги масала бўйича суднинг ажрими устидан мазкур ажрим чиқарилган кундан эътиборан етмиш икки соат ичида апелляция тартибида шикоят берилиши, протест билдирилиши мумкин. Шикоят, протест ажрим чиқарган суд орқали берилади, мазкур суд уларни йигирма тўрт соат ичида материаллар билан бирга апелляция инстанцияси судига юбориши шарт. Апелляция инстанцияси суди кўрсатилган материалларни шикоят ёки протест билан бирга улар келиб тушган пайтдан эътиборан етмиш икки соатдан кечиктирмасдан кўриб чиқиши керак.

Шикоят ёки протест берилиши эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги масала бўйича қарор ижросини тўхтатиб қўймайди.

242-модда. Қамоққа олиш

Эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш Жиноят кодексида уч йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган қасдан содир этилган жиноятларга доир ҳамда эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, бунинг учун Жиноят кодексида беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича қўлланилади.

Алоҳида ҳолларда қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган қасдан содир этилган жиноятларга доир, шунингдек эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, бунинг учун беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан

махрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича қуйидаги ҳолатлардан бири мавжуд бўлган тақдирда:

айбланувчи, судланувчи тергов ва суддан яширинганида;

ушлаб турилган гумон қилинувчининг шахси аниқланмаганида;

илгари қўлланилган эҳтиёт чораси айбланувчи, судланувчи томонидан бузилганида;

ушлаб турилган гумон қилинувчи ёки айбланувчи, судланувчи Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойига эга бўлмаганида;

жиноят қамоқ ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўташ даврида содир этилганида, қўлланилиши мумкин.

243-модда. Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тартиби

Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси фақат ушлаб турилган гумон қилинувчига ёки айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинган шахсга нисбатан қўлланилиши мумкин.

Қонунда назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлганда ва дастлабки тергов давомида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси танланганда прокурор, прокурорнинг розилиги билан терговчи қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома кўзғатиш ҳақида қарор чиқаради.

Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома кўзғатиш ҳақидаги қарорда ушлаб турилган гумон қилинувчи ёки айбланувчини қамоққа олиш заруратини келтириб чиқарган асослар ва бошқа эҳтиёт чорасини қўллаб бўлмаслик асослари баён қилинади. Қарорга илтимосномани асословчи зарур материаллар илова қилинади.

Прокурор қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимосноманинг асослилигини текшириб, унга рози бўлган тақдирда,

илтимоснома кўзғатиш тўғрисидаги қарор ва зарур материалларни судга юборади. Агар илтимоснома ушлаб турилган гумон қилинувчи ёки айбланувчига нисбатан кўзғатилаётган бўлса, қарор ва кўрсатилган материаллар ушлаб туриш муддати тугашидан камида ўн икки соат олдин судга тақдим қилиниши керак.

Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома жиноят содир қилинган ёки дастлабки тергов юритилаётган жойдаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг, округ, ҳудудий ҳарбий суднинг судьяси гомонидан, мазкур судларнинг судьяси бўлмаган ёхуд қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги материални кўриб чиқишда унинг иштирокини истисно этувчи ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар суди, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раисининг кўрсатмасига биноан бошқа тегишли суднинг судьяси томонидан яқка тартибда кўриб чиқилади.

Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома ёпиқ суд мажлисида, материаллар келиб тушган пайтдан эътиборан ўн икки соат ичида, лекин ушлаб туришнинг энг кўп муддатидан кечиктирмай кўриб чиқилади.

Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома прокурор, агар ишда қатнашаётган бўлса ҳимоячи, ушлаб турилган гумон қилинувчи ёки айбланувчи иштирокида кўриб чиқилади. Ушлаб турилган гумон қилинувчи, айбланувчи суд мажлисига олиб келинади. Суд мажлисида гумон қилинувчи ёки айбланувчининг қонуний вакили, шунингдек терговчи иштирок этишга ҳақли. Зарур ҳолларда терговчи судга чақирилиши мумкин.

Суд мажлисининг жойи, санаси ва вақти ҳақида лозим даражада хабардор қилинган шахсларнинг келмаганлиги қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини

қўллаш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш учун монелик қилмайди, айбланувчининг келмаганлиги холлари бундан мустасно. Қидирув эълон қилинган айбланувчига нисбатан қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома айбланувчининг иштирокисиз кўриб чиқилади.

Қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш прокурор маърузаси билан бошланади, у мазкур эҳтиёт чорасини қўллаш заруратини асослаб беради. Шундан сўнг гумон қилинувчи ёки айбланувчи, химоячи, судда хозир бўлган бошқа шахслар эшитилади, тақдим қилинган материаллар текширилади. Шундан кейин судья ажрим чиқариш учун алоҳида хонага киради.

Судья гумон қилинувчи ёки айбланувчига нисбатан қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиб, қуйидаги ажримлардан бирини чиқаради:

1) қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида;

2) қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашни рад қилиш тўғрисида;

3) тарафлар қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашнинг асосланганлиги ёки асосланмаганлигига доир қўшимча далилларни тақдим этишлари учун ушлаб туриш муддатини қирқ саккиз соатдан кўп бўлмаган муддатга узайтириш тўғрисида.

Судьянинг қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақидаги ёки уни қўллашни рад қилиш тўғрисидаги ажрими ўқиб эшиттирилган пайтдан эътиборан кучга киради ва дарҳол ижро қилиниши керак. Судьянинг ажрими ижро учун прокурорга, маълумот учун эса гумон қилинувчига, айбланувчига, химоячига юборилади. Судьянинг ажрими устидан ушбу Кодекс 241-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган қоидаларга биноан апелляция тартибида шикоят берилиши, протест билдирилиши мумкин.

Апелляция инстанцияси суди апелляция шикоятини, протестини кўриб чиқиб, ўз ажрими билан:

1) судьянинг ажримини ўзгаришсиз, шикоят ёки протестни эса қаноатлантIRMасдан қолдиришга;

2) судьянинг ажримини бекор қилиш ва гумон қилинувчи ёки айбланувчини қамокдан озод қилиш ёхуд унга нисбатан қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашга ҳақли.

Қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш рад қилинган тақдирда, айнан ўша гумон қилинувчига, айбланувчига нисбатан мазкур масала бўйича такроран судга мурожаат қилишга қамокқа олишни тақозо этадиган янги ҳолатлар юзага келганда йўл қўйилади»;

11) 245-модданинг:

биринчи, иккинчи ва учинчи қисмлари қуйидаги мазмундаги **биринчи** ва **иккинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Жиноятлар тергов қилинаётганда қамокда сақлаб туриш муддати кўпи билан уч ойни ташкил этади.

Қамокда сақлаб туришнинг қонун нормаларида белгиланган уч ойлик муддатини:

5 ойгача – Қорақалпоғистон Республикаси прокурори ёки вилоят, Тошкент шаҳар прокурори ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг;

7 ойгача – Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосарининг;

9 ойгача – Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг;

бир йилгача – алоҳида мураккаб ишлар тергов қилинаётган ҳолларда оғир ҳамда ўта оғир жиноятлар содир этганликда айбланаётган шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг илтимосномасига биноан узайтириш имкони суд томонидан кўриб чиқилади. Муддатни яна узайтиришга йўл қўйилмайди. Кўрсатилган барча илтимосномаларни кўриб чиқишда суд тақдим этилган материалларнинг асослилигини, шунингдек процессуал нормалар ва талабларга риоя этилганлигини инобатга олади»;

тўртинчи ва **бешинчи қисмлари** тегишинча **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

12) **246-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Айбланувчини қамокда сақлаб туриш муддати тугаган жиноят ишини суд қўшимча терговга қайтарган ва ишнинг ҳолатларига кўра қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини ўзгартириш мумкин бўлмаган тақдирда, жиноят ишини қўшимча терговга қайтарган суд томонидан қамокда сақлаб туриш муддати бир ойгача узайтирилади, бу муддат иш прокурорга келиб тушган пайтдан бошлаб ҳисобланиб, прокурор жиноят ишини уч суткадан кечиктирмай терговчига юбориши шарт. Кўрсатилган муддатни узайтириш айбланувчи иш судга юборилгунига қадар қамокда бўлган вақтни ҳисобга олган ҳолда ушбу Кодекс 245-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида белгиланган тартиб ҳамда доирада амалга оширилади»;

13) **247-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«247-модда. Қамокда сақлаб туриш муддатини узайтириш тартиби

Айбланувчини қамокда сақлаб туришнинг белгиланган муддати тугашидан камида олти сутка олдин тегишли прокурор қамокда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисида илтимоснома кўзғатиш ҳақида қарор чиқаради, бу қарор судга юборилади.

Қамокда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисида илтимоснома кўзғатиш ҳақидаги қарорда терговнинг чўзилиб кетганлиги сабаблари, текширилиши лозим бўлган тусмоллар ва ҳолатлар, қўшимча равишда сўралаётган муддат кўрсатилиши керак.

Қамокда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома жиноят содир этилган ёки дастлабки тергов юритилаётган жойдаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг, округ,

худудий ҳарбий суднинг судьяси томонидан, мазкур судларнинг судьяси бўлмаган ёхуд қамокда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги материални кўриб чиқишда унинг иштирокини истисно этувчи ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар суди, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раисининг кўрсатмасига биноан бошқа тегишли суднинг судьяси томонидан яқка тартибда кўриб чиқилади.

Қамокда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома материаллар келиб тушган пайтдан эътиборан етмиш икки соат ичида ёпик суд мажлисида кўриб чиқилади.

Қамокда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома прокурор, айбланувчи, агар ишда қатнашаётган бўлса, химоячи иштирокида кўриб чиқилади. Зарур ҳолларда терговчи судга чақирилиши мумкин.

Айбланувчи стационар суд-психиатрия экспертизасидан ўтказиш учун тиббий муассасага жойлаштирилган тақдирда, қамокда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома суд томонидан айбланувчининг иштирокисиз кўриб чиқилиши мумкин. Бунда айбланувчининг химоячиси суд мажлисида иштирок этиши шарт.

Судья қамокда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиб, қуйидаги ажримлардан бирини чиқаради:

1) қамокда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисида;

2) қамокда сақлаб туриш муддатини узайтиришни рад қилиш тўғрисида.

Судьянинг қамокда сақлаб туриш муддатини узайтириш ҳақидаги ёки қамокда сақлаб туриш муддатини узайтиришни рад қилиш тўғрисидаги ажрими ўқиб эшиттирилган пайтдан эътиборан кучга киради ва дарҳол ижро қилиниши керак. Судьянинг

ажрими ижро учун прокурорга, маълумот учун эса айбланувчига, химоячига юборилади. Судьянинг ажрими устидан ушбу Кодекс 241-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган қоидаларга биноан етмиш икки соат ичида апелляция тартибида шикоят берилиши, протест билдирилиши мумкин.

Апелляция инстанцияси суди апелляция шикоятини, протестини кўриб чиқиб, ўз ажрими билан:

1) судьянинг ажримини ўзгаришсиз, шикоят ёки протестни эса қаноатлантирмасдан қолдиришга;

2) судьянинг ажримини бекор қилиш ва қамокда сақлаб туриш муддатини узайтиришни рад этишга ёки қамокда сақлаб туриш муддатини узайтиришга ҳақли. Қамокда сақлаш муддати тугаб, озод этилган айбланувчига нисбатан қамокда сақлаб туриш муддати узайтирилган тақдирда, суд унга нисбатан қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаши керак»;

14) 342-модда иккинчи қисмининг 2-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2) гумон қилинувчига нисбатан қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки муайян шахсни айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш учун асослар аниқланган бўлса»;

15) 355-модда иккинчи қисмининг 3-банди «қамокқа олиш» деган сўзлардан кейин «тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимосномалар кўзғатиш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

16) 365-модданинг тўртинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу Кодекснинг 242 ва 243-моддаларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда қидирилаётган айбланувчи топилган тақдирда, суднинг ажрими билан унга нисбатан қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилиши мумкин»;

17) 382-модданинг учинчи қисми:

қуйидаги мазмундаги **бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида судга илтимоснома киритади ёки илтимосномага розилик беради ёхуд қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисида судга илтимоснома киритади»;

бешинчи — ўн иккинчи хатбошилари тегишинча **олтинчи — ўн учинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

олтинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«суриштирув органларига шахсларни ушлаш, мажбурий келтириш, қидириш, тинтув ўтказиш, олиб қўйиш тўғрисидаги қарорларни, суднинг қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги ажримини ижро этишни, бошқа тергов ҳаракатларини бажаришни топширади, шунингдек прокурор ёки прокуратура терговчиси юритувидаги ишлар юзасидан жиноятларни очиш ва жиноят содир этган шахсларни аниқлаш учун зарур чоралар кўриш тўғрисида кўрсатмалар беради»;

тўққизинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«дастлабки тергов муддатларини ушбу Кодексда белгиланган ҳолларда ва тартибда узайтиради»;

18) 558-модданинг иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Вояга етмаган шахсга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақидаги масалани кўриб чиқишда прокурор иш материаллари билан шахсан танишиб чиқиши, илтимосноманинг асослилигини текшириши, ҳодисанинг фавқулоддалигига ишонч ҳосил қилиши ва айбланувчини ушбу эҳтиёт чорасини қўллаш билан боғлиқ ҳолатлар бўйича сўроқ қилиши шарт».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «**Судлар тўғрисида**»ги

924–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган 162–II-сонли Қонуни билан тасдиқланган таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1–2, 10-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 10-модда:

биринчи қисмидаги «Айбланувчи» деган сўз «Гумон қилинувчи, айбланувчи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ҳеч ким суд қарорига асосланмаган ҳолда қамоққа олиниши мумкин эмас»;

учинчи қисми тўртинчи қисм деб ҳисоблансин;

2) 37-модданинг иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди қонун билан унинг ваколатлари доирасига берилган жиноят ишларини ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни, шунингдек қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимосномаларни кўриб чиқади».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «**Прокуратура тўғрисида**»ги 746–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган 257–II-сонли Қонуни билан тасдиқланган таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9–10, 168-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда) **28-моддасининг биринчи қисмига** қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«суриштирув органларига ушлаш, мажбурий келтириш, кидириш, тинтув ўтказиш, олиб кўйиш тўғрисидаги қарорларни ва суднинг қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақидаги ажримини ижро этишни, бошқа тергов ҳаракатларини, шу жумладан прокурор ёки прокуратура терговчиси иш юритувида бўлган ишлар юзасидан тергов ҳаракатларини бажаришни топширади, жиноятларни очиш ва жиноят содир этган шахсларни топиш учун зарур чоралар кўриш тўғрисида кўрсатмалар беради»;

саккизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«дастлабки тергов муддатини узайтиради, эҳтиёт чораси сифатида қамоқда сақлаш муддатини узайтириш тўғрисида судга илтимоснома киритади»;

ўн иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«қонунда назарда тутилган ҳолларда, тергов ҳаракатлари олиб борилишига санкция беради, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида судга илтимоснома киритади ёки илтимосномага розилик беради».

4-модда. Ушбу Қонун 2008 йилнинг 1 январидан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2007 йил 11 июль,
ЎРҚ-100-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЎЛИМ ЖАЗОСИНИ БЕКОР ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА*

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
палаталарининг Ахборот-аъмаси,
2005 йил, 8-сон, 292-модди)*

Ўзбекистон Республикаси суд-ҳуқуқ тизимини ислох қилишнинг энг муҳим вазифаси жиноят, жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари, жиноий жазо тизимини изчиллик билан босқичма-босқич либераллаштириш ҳисобланади.

Сўнгги йилларда қабул қилинган «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, судлар тўғрисидаги, прокуратура тўғрисидаги қонунларга, бошқа бир қанча қонун ҳужжатларига мувофиқ жиноятларнинг таснифланиши ўзгартирилди, ўта оғир жиноятлар жумласига киритилган жиноятлар рўйхати камайтирилди, содир этилган жиноятлар учун озодлиқдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турлари, ярашув институти жорий этилди. Жиноий жазолар тизимини либераллаштиришга қаратилган бошқа бир қанча дастурий чора-тадбирлар қабул қилинди.

Жиноятга оид сиёсатда, ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги туб ўзгаришлар мамлакатда ижтимоий-сиёсий, криминоген вазиятга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Ўлим жазосини қўллаш соҳасининг босқичма-босқич камайиб бораётганлиги Ўзбекистон Республикасида суд-ҳуқуқ тизимини, жиноий

* 2005 йил 1 августдан кучга кирган.

жазоларни либераллаштириш борасида амалга оширилаётган жараёнларнинг муҳим йўналиши бўлди. Мамлакат мустақилликка эришган пайтда жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ўлим жазосини назарда тутувчи 30 дан ортиқ моддалардан иборат эди. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йилги Жиноят кодексига бундай моддалар сони 13, 1998 йилда – 8, 2001 йилда эса 4 тагача камайтирилди.

Ҳозирги вақтда, 2003 йилда жиноят қонунчилигини либераллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилгандан сўнг, фақат икки турдаги жиноят – жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм жиноятларини содир этганлик учун ўлим жазоси назарда тutilади.

Жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ўлим жазоси тайинланиши мумкин бўлган жиноятлар сони жинойи жазога тортиладиган қилмишлар умумий сонининг бир фоизидан камроғини ташкил этади.

Содир этилган жиноятнинг оғирлигидан қатъи назар қонун ҳужжатларида вояга етмаганларга, хотин-қизларга ва 60 ёшдан ошган шахсларга нисбатан ушбу турдаги жазони қўллаш тақиқланган.

Давлатимизнинг жиноятга оид сиёсати ўлим жазосини қўллашга нисбатан жаҳон тенденцияларига тўла мос келади ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида эълон қилинган инсонпарварлик ва одиллик тамойилларини изчил ифода этади.

Айни вақтда, мамлакатда амалга оширилаётган жамият ва давлат ҳаётини демократик жиҳатдан янада янгилаш, мамлакатни модернизация қилиш борасидаги ислохотларнинг моҳияти ва мазмуни, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш бўйича олиб борилаётган ишларнинг натижалари жазо тури сифатида ўлим жазоси бекор қилинишини ҳамда уни умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси билан алмаштирилиши зарурлигини тақозо этмоқда.

Шу билан бирга, ушбу муҳим соҳадаги ислоҳотлар, ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши ва инсонпарварлик руҳида олиб борилишини ҳамда инсонлар онгида демократик қадриятлар тобора мустаҳкамланишини инobatга олган ҳолда изчиллик билан амалга ошириб борилиши лозим.

Ўлим жазосининг бекор қилиниши аҳоли орасида кенг тушунтириш ишлари олиб боришни, биринчи навбатда, мамлакатимизнинг ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидаги изчил ҳаракатларини асослаб беришни, жинoий жазони янада либераллаштириш, шу жумладан ўлим жазосини бекор қилиш заруратининг англаб етилишини кишилар онгида мустаҳкамлашни тақозо этади.

Ўлим жазоси умрбод ёки узoқ муддатга озoдликдан маҳрум этиш билан алмаштирилган шахсларни сақлаш учун мажмуа ва иншоотлар қуриш, зарур шарт-шарoитларни яратиш, ана шу муассасаларда ишлаш учун ходимларни тайёрлаш билан боғлиқ бир қатор ташкилий-тайёргарлик тадбирларини амалга ошириш лозим.

Жинoят, жинoят-процессуал, жинoят-ижроия қонун ҳужжатларини пухта ишлаб чиқиш ҳамда ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ушбу соҳадаги халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни, ўлим жазосини бекор қилган ва ўлим жазоси ўрнига умрбод ёки узoқ муддатга озoдликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинган шахсларнинг жазолари ижро этилишини ташкил қилиш тажрибасига эга бўлган хорижий мамлакатларнинг тегишли қонун ҳужжатларини чуқур ўрганиб чиқишни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши муҳим вазифа ҳисобланади.

Инсоннинг яшаш ҳуқуқини эълон қилувчи ва мустаҳкамловчи халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормаларидан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қоидаларидан келиб чиққан ҳолда, шунингдек жинoий жазоларни янада

либераллаштириш борасида аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасида 2008 йилнинг 1 январидан жиноий жазо тури сифатида ўлим жазоси бекор қилинсин ва унинг ўрнига умрбод ёки узок муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси жорий этилсин.

Қуйидагилар белгилансин:

умрбод ёки узок муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси Ўзбекистон Республикаси Олий суди, жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди томонидан тайинланиши мумкин;

жиноят содир этганлик учун умрбод ёки узок муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар жазони махсус тартибли жазо ижро этиладиган ихтисослаштирилган муассасаларда ўтайдилар.

2. Адлия вазирлиги, Олий суд, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати 2006 йилнинг 1 январигача Ўзбекистон Республикасининг Жиноят. Жиноят-процессуал ва Жиноят-ижроия кодексларига ўлим жазосини жиноий жазолар тизимидан чиқариб ташлаш ҳамда уни умрбод ёки узок муддатга озодликдан маҳрум этиш билан алмаштиришга алоқадор ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар тайёрласинлар, бунда қуйидагиларни назарда тутсинлар:

ҳозирги вақтда ўлим жазоси тайинлашга йўл қўядиган жиноятлар содир этган шахслар учун озодликдан маҳрум этишнинг аниқ муддатларини белгилаш ва асослаш;

бундай жиноятлар учун жазо тайинлаш, озодликдан маҳрум этиш муддатларини ҳисоблаш тартиби, шунингдек ўлим жазоси ўрнига жорий этиладиган жазоларни ижро этиш тартиби ва шартлари.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда умрбод ёки узок муддатга озодликдан маҳрум этишга хукм қилинган маҳкумларни сақлаш учун зарур ихтисослаштирилган муассасалар иншоотлари мажмуасини қуриш ва фойдаланишга тайёрлаш чоралари, шунингдек ушбу муассасаларни молиялаштириш тартиби, уларда ишлаш учун кадрлар тайёрлаш тўғрисида қарор қабул қилсин.

4. Адлия вазирлиги, Олий суд, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги билан биргаликда ўлим жазосини бекор қилиш масаласи бўйича аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини ташкил этишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

5. Мазкур Фармон Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси муҳокамасига киритилсин.

6. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.А. Худайбергенов зиммаларига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2005 йил 1 август,
ПФ-3641-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ
ҚАМОҚҚА ОЛИШГА САНКЦИЯ БЕРИШ
ХУҚУҚИНИ СУДЛАРГА ЎТКАЗИШ
ТЎҒРИСИДА***

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
палаталарининг Ахборотномаси,
2005 йил, 8-сон, 294-модда)*

Ўзбекистонда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизими ислохотининг энг муҳим вазифаси инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, аввало, асоссиз жиноий таъқиб ва хусусий ҳаётга аралашидан ҳимояланиш, шахсий дахлсизлик ҳуқуқлари ҳамда адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқи самарали муҳофаза этилишини таъминлаш ҳисобланади.

Сўнгги йилларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятида қонунийликни таъминлаш, инсон ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишнинг энг муҳим кафолати сифатида суд ҳокимиятининг нуфузини мустаҳкамлаш, судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, уларнинг демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамиятини барпо этишдаги ролини кучайтириш борасида муҳим ишлар амалга оширилди.

Судларнинг жиноят, фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича ихтисослаштирилиши қонунан мустаҳкамлаб қўйилди, бу эса ишларни кўриб чиқиш сифати ошишини таъминлади, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтирди. Йилларни кўриб чиқишнинг апелляция тартиби жорий этилиши суд хатоларини ўз вақтида тузатиш, суд ишларини юритишда сансалорликка йўл қўймасликнинг муҳим кафолати бўлиб хизмат қилмоқда. Кассация инстанцияси ислох қилинди:

* 2005 йил 8 августдан кучга кирган.

фуқаролар қонуний кучга кирган суд қароридан норози бўлган тақдирда ўз ҳуқуқларини мазкур инстанцияда шахсан ва бевосита ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлдилар.

Суд процессида айблов билан ҳимоянинг ҳуқуқий жиҳатдан тенглигини, уларнинг тортишув принципини амалга оширишни таъминлайдиган ҳуқуқий механизмлар яратилди.

Дастлабки тергов муддатлари икки йилдан бир йилгача ҳамда айбланувчиларни қамокда сақлаш муддатлари бир ярим йилдан 9 ойгача, алоҳида ҳолларда эса 1 йилгача қонун йўли билан қисқартирилди. Шунингдек, ушбу эҳтиёт чорасини қўллаш доираси чекланди.

Қонунчиликни, ҳуқуқни қўллаш амалиётини либераллаштириш бўйича юқоридаги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши судгача тергов, одил судловнинг тезкорлиги ва сифати ошишини, суд процесси иштирокчилари ҳуқуқларига риоя этилишининг процессуал кафолатлари кенгайтиришни таъминлади.

Мамлакатда рўй бераётган судгача терговни либераллаштириш далолати сифатида фуқароларни қамокқа олиш тариқасидаги эҳтиёт чорасидан фойдаланиш сўнги 4 йилнинг ўзида икки баравардан кўпроққа қисқарди.

Суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштиришнинг энг муҳим вазифаси судгача тергов босқичида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш бўйича суд ваколатларини кенгайтириш, энг аввало, қамокқа олишга санкция бериш ҳуқуқини прокуратура органларидан судларга ўтказишдан иборатдир. Ушбу чора фуқароларнинг эркинлик ва шахсий дахлсизлик борасидаги конституциявий ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши самарадорлигини сезиларли даражада ошириш имконини беради. Шу билан бирга бу шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизлиги ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли

эмаслиги белгиланган Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принцип ва нормаларига ҳам тўла мос келади.

Айни вақтда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судлар ваколатига ўтказиш Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал, Жиноят-ижроия кодекслари ва бошқа қонун ҳужжатларига пухта ишлаб чиқилган тегишли ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилганидан; бу соҳадаги хорижий тажриба ўрганилганидан; судлар томонидан қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий, процессуал механизмлари ишлаб чиқилганидан; суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тизими кадрларини тегишлича тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳамда бошқа тайёргарлик тадбирлари ўтказилганидан кейин изчиллик билан амалга оширилиши лозим.

Суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш, инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш билан боғлиқ процессуал мажбурлов чораларини қўллашга санкция бериш ҳуқуқи судларга босқичма-босқич ва изчил ўтказилишини таъминлаш мақсадида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг фуқароларни суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқини белгиловчи 19, 25 ва 44-моддаларига мувофиқ:

1. Жиноят содир этишда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларни қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи 2008 йил 1 январдан эътиборан судлар ваколатига ўтказилсин.

Белгилансинки, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш қонунда белгиланган бошқа эҳтиёт чораларини қўллаш самарасиз бўлган алоҳида ҳолатларда ва фақат жиноят ишлари бўйича судлар ёки ҳарбий судлар ваколатига мувофиқ уларнинг қарори бўйича амалга оширилиши лозим.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий суди, Бош прокуратураси, Ички ишлар

вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати уч ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал, Жиноят-ижроия кодексларига, Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида», «Прокуратура тўғрисида»ги қонунларига қамоққа олишга санкция бериш, қамоқда сақлаш муддатларини узайтириш тартиби ва жараёнларини белгиловчи, шунингдек судгача иш юритиш босқичида инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этиш, унинг дахлсизлигини таъминлаш борасида қўшимча қафолатларни белгиловчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар тайёрласин. Шу билан бирга мазкур Фармоннинг 1-бандига мувофиқ нафақат қонунлар ва қонун ости ҳужжатлари, балки идоравий ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган норма ва нормативлар ҳам қайта кўриб чиқилиши зарур.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, молия, иқтисодиёт, адлия, ички ишлар вазирликлари, Бош прокуратураси, Миллий хавфсизлик хизмати ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси икки ой муддатда қамоққа олишга санкция бериш бўйича прокуратура органларининг ваколатлари судларга ўтказилишини ҳисобга олиб, умумий юрисдикция судларини гашкилий-кадрлар жиҳатдан таъминлаш тизимини такомиллаштиришга оид таклифлар тайёрласин.

4. Ўзбекистон Республикаси адлия, ички ишлар вазирликлари, Олий суди, Бош прокуратураси, Миллий хавфсизлик хизмати суд қарорига биноан қамоққа олиш тартиби жорий этилиши муносабати билан судьялар ҳамда прокуратура органлари, ИИВ ва МХХ тергов бўлинмалари ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

5. Ушбу Фармон Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг муҳокамасига киритилсин.

6. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш
Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат
маслаҳатчиси Т. Худайбергенов зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2005 йил 8 август,
ПФ-3644-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

УМРБОД ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ ТАРИҚАСИДАГИ ЖАЗОНИ ҚЎЛЛАШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ ТЎҒРИСИДА*

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқи бўлиб, у давлат томонидан қўриқланади.

«Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» қабул қилинган қонун билан умрбод озодликдан маҳрум қилиш, шунингдек узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазосининг киритилиши бу ҳуқуқ химоясининг реал кафолати бўлди.

Мазкур Қонуннинг тўғри ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш мақсадида, «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми **қарор қилади:**

1. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан киритилган фавқулодда жазо чораси бўлиб, маҳкумни муддат белгиланмаган ҳолда жамиятдан ажратишни назарда тутаяди.

Қонунда умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо фақат жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (ЖК 97-моддаси иккинчи қисми) ва одам ўлишига ёки бошқа оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлган терроризм (ЖК 155-моддаси учинчи қисми) содир этган шахсларга нисбатан қўлланилишига йўл қўйилади.

* 2008 йил 1 январдан кучга киради.

2. Судларга тушунтирилсинки, ЖК 50-моддаси учинчи қисмида назарда тутилган йигирма йилдан ортиқ, бироқ йигирма беш йилдан кўп бўлмаган муддатга тайинланадиган узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси озодликдан маҳрум қилиш жазосининг бир кўриниши бўлиб, у фақат жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасдан одам ўлдириш ва одам ўлишига ёки бошқа оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлган терроризм содир этган шахсларга нисбатан тайинланиши мумкин.

Узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси суд томонидан учбу жиноятларга нисбатан қонунда умрбод озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазо тайинланиши истисно этилган (масалан, тугалланмаган жиноят учун), шунингдек иш ҳолатларига кўра суд айбдорга нисбатан узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси ёки ўн беш йилдан йигирма йил муддатгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мақсадга мувофиқ эмаслиги ҳақидаги ҳулосага келган ҳолларда тайинланиши мумкин.

3. Умрбод озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазо қўллаш масаласини ҳал этишда суд мазкур жазо, фақат иш бўйича айбдор томонидан ғайриинсоний хатти-ҳаракатларга йўл қўйилганлигидан, шунингдек жиноятни содир этган шахс жамият учун мутлақ хавfli эканлигидан далолат берувчи ва унга нисбатан бошқа жазо тайинланиши имкониятини истисно этувчи алоҳида ҳолатлар бўлганда, тайинланиши мумкинлигини инобатга олиши керак.

Шунинг учун умрбод озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазо тайинланаётганда суд ҳукмининг тавсиф қисмида бундай қарор қабул қилиниши сабабларини кўрсатиб ўтиши лозим.

4. Судлар шуни назарда тутишлари керакки, умрбод озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазо тугалланмаган жиноят учун тайинланиши мумкин эмас.

Қонунга кўра, умрбод озодликдан маҳрум қилиш ва узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазолари аёлга, ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсга ва олтмиш ёшдан ошган эркакка нисбатан ҳам тайинланиши мумкин эмас. Бунда олтмиш ёшдан ошган эркакка нисбатан бундай жазолар тайинланиши мумкин эмаслиги тўғрисидаги қоида биринчи инстанция суди томонидан айбдорнинг ҳукм чиқариш қунига қадар, апелляция шикояти (протести) берилган ҳолда — иш апелляция инстанциясида кўрилган қонунга қадар бўлган ёшдан келиб чиқиб қўлланилади.

5. Жиноятлар мажмуи бўйича жазо тайинлашда: жиноятлардан ҳеч бўлмаганда биттаси учун умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланганда узил-кесил жазо ЖК 59-моддаси тўртинчи қисми қоидасига мувофиқ енгилроқ турдаги жазони умрбод озодликдан маҳрум қилиш билан қоплаш орқали тайинланади;

жиноятлардан ҳеч бўлмаганда биттаси учун узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланганда узил-кесил жазо ЖК 59-моддаси бешинчи қисми қоидасига мувофиқ жазоларни тўла ёки қисман қўшиш ёхуд енгилроқ жазони оғирроғи билан қоплаш орқали, бироқ йигирма беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга тайинланади.

Агар жиноятлар мажмуига кирувчи ЖК 97-моддаси иккинчи қисми ёки 155-моддаси учинчи қисмида назарда тутилган жиноятлардан бирортаси бўйича ҳам узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланмаган бўлса, узил-кесил жазо жазолар тўла ёки қисман қўшилганда ҳам, енгилроқ жазо оғирроғи билан қопланган ҳолда ҳам озодликдан маҳрум қилиш жазоси муддати йигирма йилдан ошмаслиги керак.

6. Шунинг назарда тутиш лозимки, шахс қонунда умрбод озодликдан маҳрум қилиш ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган бир неча жиноят содир этган бўлиб, улардан айримлари у вояга етмаган, бошқалари вояга етган

ёшда содир этилган бўлса, вояга етмаган ёшда содир этилган жиноятлар учун жазо ЖК 82 – 86-моддалари қоидалари бўйича, вояга етган ёшда содир этилган жиноятлар учун ЖК 59-моддаси тўртинчи ва бешинчи қисмлари қоидалари бўйича тайинланади.

7. Ҳукмлар жами бўйича жазо тайинлашда:

ҳукмлардан ҳеч бўлмаганда биттаси бўйича умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланганда узил-кесил жазо ЖК 60-моддаси учинчи қисми қоида­сига мувофиқ енгилроқ турдаги жазони умрбод озодликдан маҳрум қилиш билан қоплаш орқали тайинланади:

ҳукмлардан ҳеч бўлмаганда биттаси учун узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланганда узил-кесил жазо ЖК 60-моддаси тўртинчи қисми қоида­сига мувофиқ жазоларни тўла ёки қисман қўшиш ёхуд енгилроқ жазони оғирроғи билан қоплаш орқали, бироқ йигирма беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга тайинланади.

8. ЖК 64-моддаси олтинчи қисмига мувофиқ умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин бўлган жиноятни содир этган шахсга нисбатан жавобгарликка тортиш муддатларини қўллаш масаласи суд томонидан ҳал қилинади. Агар суд жавобгарликка тортиш муддатини қўллашни лозим топмаса, умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўрнига озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланади.

Ҳукм билан умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган маҳкумга нисбатан жазони ижро этиш муддатини қўллашни лозим топмаган ҳолларда ҳам суд умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосини озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазога алмаштириши керак (ЖК 69-моддаси бешинчи қисми).

Бунда шуни эътиборга олиш лозимки, қонунга кўра (ЖК 64-моддаси еттинчи қисми, 69-моддаси олтинчи қисми), жавобгарликка тортиш муддати, шунингдек жазони ижро этиш муддати тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши жиноят содир этган шахсга

нисбатан қўлланилмайди. Шунинг учун ҳам суд терроризм жиноятини содир этган шахсга нисбатан, жиноят содир этилган вақтдан қатъи назар, умрбод озодликдан маҳрум қилиш ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашга ҳақли.

9. Ҳукм эълон қилингандан сўнг раислик этувчи умрбод озодликдан маҳрум қилиш ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган маҳкумга ЖПК 473-моддаси тўртинчи қисмида назарда тутилган авф тўғрисидаги илтимоснома билан мурожаат қилиш ҳуқуқи ва муддатларини тушунтириши шарт бўлиб, бу ҳақда суд мажлиси баённомасида қайд этилади.

10. Умрбод озодликдан маҳрум қилиш ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган маҳкумнинг авф этиш тўғрисидаги илтимосномаси ЖК 76-моддаси учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ кўриб чиқилади.

Бунда судларнинг эътибори шунга қаратилиши керакки, авф этиш тўғрисидаги илтимоснома қонунда белгиланган ва жазонинг амалда ўталган қисми инобатга олинган ҳолда саналадиган муддатлар ўтгандан сўнг берилиши мумкин.

11. ЖК 50-моддасига мувофиқ умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган маҳкумлар жазони махсус тартибли колонияларда ўтайдилар.

Махсус тартибли колонияларда, шунингдек умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси авф этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган эркаклар ҳам сақланади.

12. Узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахсга нисбатан колония тури, содир этилган жиноят оғирлиги ва маҳкумнинг шахсидан келиб чиққан ҳолда, ЖК 50-моддаси бешинчи қисми «б, в, г» бандларига мувофиқ белгиланади.

13. Умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этиш тартиби ва шартлари Жиноят-ижроия кодексининг бешинчи бўлимида белгиланган.

14. Шунингдек таъкидлаш лозимки, умрбод озодликдан маҳрум қилиш ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган маҳкумга, шунингдек умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси авф этиш тартибда озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган шахсларга нисбатан қонунда жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш, жазони енгилроғи билан алмаштириш, жазони ижро этиш муассасаси доирасидан четга чиқиш, бир турдаги колониядан бошқа турдаги колонияга ўтказиш масалалари бўйича алоҳида жиҳатлар белгиланган.

15. Ўлим жазосига маҳкум этилган шахсга нисбатан 2008 йил 1 январга қадар ижро этилмаган ҳукм ЖК 13-моддаси талабига мувофиқ қонунда белгиланган тартибда қайта кўриб чиқилиши шарт.

16. Мазкур қарор 2008 йил 1 январдан бошлаб қўлланилади.

Олий суд раиси

Б. Мустафаев

**Пленум котиби,
Олий суд судьяси**

М. Ҳасанов

Тошкент шаҳри,
2007 йил 14 ноябрь,
15-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

СУДГА КАДАР ИШ ЮРИТИШ БОСҚИЧИДА ҚАМОҚҚА ОЛИШ ТАРЗИДАГИ ЭХТИЁТ ЧОРАСИНИНГ СУДЛАР ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАНИЛИШИ ТЎҒРИСИДА*

«Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши инсон ҳуқуқлари ҳимояси таъминланишининг муҳим омилларидан бири бўлиб, суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштиришга йўналтирилган.

Мазкур Қонуннинг суриштирув, дастлабки тергов органлари ва судлар томонидан тўғри қўлланилишини таъминлаш мақсадида, «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми **қарор қилади:**

1. Тушунтирилсинки, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19, 25-моддаларида, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормаларида мустаҳкамланган қоидаларга мос бўлиб, жиноят ишида гумон қилинувчи, айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинган шахс ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимояси самарали бўлишига эришишга қаратилган.

2. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, қонунга кўра, судлар ваколатига фақат ишни судга кадар юритиш босқичида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳамда қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш юзасидан қарор қабул қилиш ҳуқуқи ўтказилаётган бўлиб, жиноят-процессуал

* 2008 йил 1 январдан кучга киради.

қонунда назарда тутилган бошқа процессуал мажбурлов чораларини қўллаш бундан мустасно.

3. Жиноят-процессуал кодекси 236-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, эҳтиёт чоралари гумон қилинувчи, айбланувчининг суриштирув, дастлабки тергов ва суддан бўйин товлашининг олдини олиш, унинг жинойӣ фаолиятига барҳам бериш, иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилишга қаратилган урinishларига йўл қўймаслик, ҳукм ижросини таъминлаш мақсадида қўлланилади.

Қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси шахснинг озодликка бўлган ҳуқуқини чеклаши сабабли уни қўллаш учун асослар қонунда қатъий белгиланган.

Қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси:

қасддан содир этилган ва Жиноят кодексида уч йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган жиноятларга;

эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган ва Жиноят кодексида беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича қўлланилади.

Судлар қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш масаласини ҳал этишда ЖПК 236-моддасининг иккинчи, учинчи қисмларида назарда тутилган ҳолатларни ҳам инобатга олишлари зарур.

4 Қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси ЖПК 242-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган алоҳида ҳолларда қасддан содир этилган ва Жиноят кодексида уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган жиноятларга доир, шунингдек эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган ва Жиноят кодексида беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича ҳам, агар қуйидаги ҳолатлардан бири мавжуд бўлса:

гумон қилинувчи, айбланувчи тергов ва суддан яширинган;

ушлаб турилган гумон қилинувчининг шахси аниқланмаган;

илгари қўлланилган эҳтиёт чораси айбланувчи томонидан бузилган;

ушлаб турилган гумон қилинувчи, айбланувчи Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойига эга бўлмаган;

жиноят камоқ ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўташ даврида содир этилган ҳолларда қўлланилиши мумкин.

5. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, ЖПК 558-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, вояга етмаган айбланувчига нисбатан камоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси, фақат қасддан содир этилган ва Жиноят кодексида беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича ва бошқа эҳтиёт чоралари айбланувчининг тегишли ҳуқуқ-атворда бўлишини таъминлай олмаган тақдирдагина қўлланилиши мумкин.

Шунинг учун эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этган, шунингдек ЖПК 242-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган асосларга кўра вояга етмаган шахсга нисбатан камоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашга йўл қўйилмайди.

Вояга етмаган шахсга нисбатан камоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақида илтимоснома кўзга тушириш тарзидаги масалани кўриб чиқишда, прокурор иш материаллари билан шахсан танишиб чиқиши, бу турдаги эҳтиёт чораси танланishi тасдиқлашнинг текшириши, фавқулодда ҳолат мавжудлигига ишонч ҳосил қилиши, бу турдаги эҳтиёт чорасини қўллаш билан боғлиқ ҳолатлар юзасидан айбланувчини сўроқ қилиши шарт.

6. Қонунда кўрсатилган асослар мавжуд бўлганда, камоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинган шахсга нисбатан қўлланилади. Бундай ҳолда эҳтиёт

чораси ЖПК 245-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган уч ойлик муддатга (ушлаб туриш вақти ҳисобга олинган ҳолда) қўлланилган ҳисобланади.

Алоҳида ҳолларда, ЖПК 226-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ, бу турдаги эҳтиёт чораси гумон қилинувчи сифатида ЖПК 221-моддасига асосан ушланган шахсга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин. Бундай ҳолларда эҳтиёт чораси ўн кунгача муддатга (ушлаб туриш вақти ҳисобга олинган ҳолда) қўлланилган ҳисобланиб, шу муддат ичида гумон қилинувчи жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиниши шарт. Акс ҳолда, прокурор ёки прокурорнинг розилиги билан терговчи гумон қилинувчини қамоқдан озод қилиши лозим.

Ўн кунлик муддат ичида айб эълон қилинган тақдирда эҳтиёт чораси уч ой муддатга (ушлаб туриш вақти ҳисобга олинган ҳолда) қўлланилган ҳисобланади.

Ушлаб туриш вақти ЖПК 226-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ шахс милицияга ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилган вақтдан бошлаб ҳисобланиши керак.

7. ЖПК 240-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ, ишчи судга қадар юритиш босқичида қўлланилган қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси шахсни қамоқда сақлаб туриш учун асослар қолмаганда прокурорнинг ёки прокурорнинг розилиги билан терговчининг қарорига биноан бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин. Бунда шахсни қамоқдан дарҳол озод этилишини таъминлаш ушбу қарорни қабул қилган орган зиммасига юклатилади.

Прокурор ёки терговчининг қарорига эҳтиёт чорасини қўллаш юзасидан чиқарилган суд қарорининг қонунийлиги ва асослилиги муҳокама қилинишига йўл қўйилмайди.

Прокурор ажрим чиқарган судни қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси ўзгартирилганлиги ёки бекор қилинганлиги ҳақида ёзма равишда хабардор қилиши лозим.

8. Прокурор ёки прокурорнинг розилиги билан терговчи жиноят иши бўйича ЖПК 236, 242-моддаларида назарда тутилган ҳолатлар аниқланганда, гумон қилинувчи ёки айбланувчига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома кўзғатиш ҳақида қарор чиқаришга ҳақли.

Агар суриштирув юритиш жараёнида гумон қилинувчига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш учун асослар борлиги аниқланса, суриштирувчи ЖПК 342-моддасига мувофиқ, суриштирув юритиш муддати ўтишини кутмасдан, ишни дарҳол терговчига ўтказиши шарт.

9. Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақидаги илтимоснома кўзғатиш тўғрисидаги қарорда, шахс гумон қилинаётган ёки айбланаётган жиноят, қилмиш квалификацияси, гумон қилинувчи, айбланувчини қамоққа олиш заруратини келтириб чиқарган асослар, шунингдек шахсга нисбатан бошқа турдаги эҳтиёт чорасини қўллаш мақсадга мувофиқ эмаслиги ҳақидаги ҳулосалар баён этилиши лозим.

Бундай қарорга илтимосномани асослантурувчи зарур материаллар, жумладан, жиноят иши кўзғатиш тўғрисидаги қарорнинг, жиноят ишида гумон қилинувчи, айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарорнинг, ЖПК 221, 225-моддалари тартибида тузилган ушлаб туриш баённомасининг, гумон қилинувчи, айбланувчининг шахсига оид маълумотларга доир ҳужжатларнинг, ҳимоячи ордерининг ёхуд ҳимоячидан воз кечиш ҳақидаги баённоманинг, ЖПК 239-моддаси талабларига риоя этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари илова қилинади. Зарурат бўлганда, прокурор томонидан судга кўздан кечириш учун мазкур ҳужжатларнинг асли, шунингдек бошқа ҳужжатлар тақдим қилиниши мумкин.

Илтимоснома ва материаллар судга ушлаб туриш муддати тугашидан камида ўн икки соат олдин, ҳар

бир гумон қилинувчи, айбланувчига нисбатан алоҳида (шу жумладан жиноят иштирокчилиқда содир этилганда ҳам) тақдим қилинади. Материалга қўшилган хужжатлар нусхаси прокурор ёки терговчи томонидан тасдиқланган ва мухрланган бўлиши зарур.

10. Қонунда белгиланган ушлаб туриш ёки қамоқда сақлаб туриш муддати ўтгандан сўнг судга тақдим этилган қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома суд томонидан кўриб чиқилмайди. Бундай ҳолларда, ушлаб турилган ёки қамоқда сақланаётган шахсни озод қилиш масаласи ЖПК 234-моддаси ва 240-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ ҳал этилади.

Шу билан бирга, бундай илтимоснома судга қонунда белгиланган муддат ўтгандан сўнг, бироқ ушлаб туриш ёки қамоқда сақлаб туриш муддати ўтгунга қадар тақдим қилинган тақдирда, суд уни кўриб чиқиш учун қабул қилиши лозим. Бундай ҳолда, суд қонун бузилишига йўл қўйган мансабдор шахсга нисбатан хусусий ажрим чиқаради.

11. Қонунда қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг, округ, ҳудудий ҳарбий суднинг судьяси томонидан яққа тартибда кўриб чиқилиши белгиланган.

Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома жиноят содир қилинган ёки жиноят иши тергов қилинаётган жойдаги суд томонидан кўрилиши керак. Материални судловга тегишлилиги хусусида ЖПК 243-моддасига таянган ҳолда тортишувга йўл қўйилмайди.

Судья бўлмаганда ёки илтимосномани кўриб чиқишда судьянинг иштирокини истисно этувчи ҳолатлар мавжуд бўлганда, илтимоснома киритган прокурор ёзма равишда мазкур суд раисига, суд бир

таркибли бўлганда эса — юқори турувчи суд раисига мурожаат қилади.

Юқори турувчи суд раиси мазкур мурожаатни дарҳол кўриб чиқади ва илтимосномани кўриб чиқишни бошқа тегишли суд судьясига топширади.

12. Қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома материал келиб тушган пайтдан эътиборан ўн икки соат ичида, лекин ЖПК 226-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ушлаб туриш муддати охиридан кечиктирмай кўриб чиқилади. Ушлаб туриш тариқасидаги процессуал мажбурлов чораси қўлланилмаган айбланувчига нисбатан қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақидаги илтимоснома ҳам ўн икки соат ичида кўриб чиқилиши лозим.

Қамокда сақлаш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома материаллар судга келиб тушган пайтдан эътиборан етмиш икки соат ичида ЖПК 247-моддасида белгиланган қоидаларга мувофиқ кўриб чиқилади.

Суд қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамокда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома кўриб чиқилишини материаллар тақдим этилган кун ва вақтдан қатъи назар (дам олиш ёки байрам кунлари, иш вақти тугагандан сўнг) таъминлаши шарт.

13. Судлар шуни эътиборга олишлари лозимки, қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамокда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимосномани кўришда қатнашадиган суд мажлиси иштирокчилари таркиби қонунда қатъий белгиланган бўлиб, жиноят ишнини мазмунан кўришда қатнашадиган суд мажлиси иштирокчилари таркибидан бирмунча фарқ қилади.

Қонунга кўра қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома прокурор, гумон қилинувчи ёки айбланувчи, ҳимоячи (агар у ишда қатнашаётган бўлса) иштирокида кўриб чиқилади. Бундай илтимосномани суд мажлисида

кўришда гумон қилинувчи ёки айбланувчининг қонуний вакили (агар у ишда қатнашаётган бўлса) ва терговчи иштирок этиши мумкин. Зарурат туғилганда суд мажлисига терговчи таклиф қилиниши мумкин.

Қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома прокурор, айбланувчи ва ҳимоячи (агар у ишда қатнашаётган бўлса) иштирокида кўрилади. Бундай илтимосномани суд мажлисида кўришда терговчи ҳам иштирок этиши мумкин. Зарурат туғилганда суд мажлисига терговчи таклиф қилиниши мумкин.

ЖПК 20, 51-моддаларида назарда тутилган ҳолларда суд мажлисида таржимон ва ҳимоячининг иштироки таъминланиши шарт. Илтимосномани кўришда бошқа шахсларнинг иштирок этишига йўл қўйилмайди.

14. Суд қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимосномани кўриш жойи, санаси ва вақтини белгилайди ҳамда бу ҳақда илтимоснома киритган прокурорни хабардор қилади. Прокурор ёки терговчи суд мажлиси иштирокчиларини, шу жумладан гумон қилинувчи ёки айбланувчини судга келишларини таъминлайди.

Суд мажлисининг жойи, санаси ва вақти ҳақида лозим даражада хабардор қилинган шахсларнинг (гумон қилинувчи, айбланувчи бундан мустасно), суд мажлисига келмаганлиги қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимосномани кўриш учун монелик қилмайди.

Қонунга мувофиқ, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимосномани айбланувчининг иштирокисиз кўришга, фақат унга нисбатан қидирув эълон қилинган ҳолдагина йўл қўйилади (ЖПК 243-моддасининг саккизинчи қисми).

Қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома айбланувчи стационар тартибдаги суд-психиатрия экспертизаси ўтказиш учун тиббий муассасага жойлаштирилган ҳолда унинг

иштирокисиз кўриб чиқилиши мумкин. Бунда айбланувчининг ҳимоячиси суд мажлисида иштирок этиши шарт (ЖПК 247-моддасининг олтинчи қисми).

15. Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, қонунда қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома, шунингдек унга илова қилинган материаллар билан суд мажлиси иштирокчиларини таништириш назарда тутилмаган. Бироқ, ҳимояга нисбатан ҳуқуқ тўғрисидаги конституциявий принципдан келиб чиққан ҳолда, гумон қилинувчи, айбланувчи, унинг ҳимоячиси ва қонуний вакили илтимоснома ва унга илова қилинган материаллар билан, башарти улар бу ҳақда мурожаат этишган тақдирда, прокурор томонидан суд мажлиси бошлангунга қадар таништирилишлари лозим.

16. Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома суднинг биносига, ёпиқ суд мажлисида ҳар бир гумон қилинувчи, айбланувчига нисбатан алоҳида кўрилади.

Суд мажлиси судья томонидан қандай илтимоснома кўриб чиқилишини эълон қилишдан бошланади. Сўнгра судья ўзининг, прокурор, ҳимоячи, қонуний вакил, гумон қилинувчи ёки айбланувчи, котиб, таржимон, терговчининг фамилияси, исми, шарифини эълон қилади, гумон қилинувчи, айбланувчининг шахсини аниқлайди ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради, рад этиш ҳақидаги арзлари бор-йўқлигини аниқлайди. Бундай арзлар мавжуд бўлса, улар юзасидан ЖПК 76, 80-моддаларига мувофиқ қарор қабул қилади.

Илтимосномани кўриб чиқиш прокурор маърузаси билан бошланади, у қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаш муддатини узайтиришнинг заруратини асослаб беради. Сўнгра гумон қилинувчи ёки айбланувчи, унинг ҳимоячиси, қонуний вакили, шунингдек терговчи эшитилади,

тақдим этилган материаллар текширилади. Сўнгра судья ажрим чиқариш учун алоҳида хонага киради.

17. Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимосномани кўришда ЖПК 426-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ суд мажлиси баённомаси юритилади ва у ажрим чиқарилган куннинг эртасидан кечиктирмай имзоланади.

Тарафлар суд мажлиси баённомаси билан у имзоланган пайдан бошлаб танишишлари мумкин.

Суд мажлиси баённомасига берилган мулоҳазалар дарҳол ЖПК 427-моддасида назарда тутилган тартибда кўриб чиқилади.

18. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, ишни мазмунан кўришдан фарқли ўларок, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимосномани кўришда суд тергови ўтказилмайди, процесс иштирокчилари эшитилади, лекин сўроқ қилинмайди.

Бунда шуни назарда тутиш лозимки, илтимосномани асослаб бериш мажбурияти қонун бўйича судга эмас, балки прокурорга юклатилган ва прокурор процесснинг исталган босқичида, суд алоҳида хонага киргунига қадар илтимосномани чақириб олишга ҳақли.

Суд гумон қилинувчи, айбланувчининг айблилиги ёки айбсизлиги масаласи муҳокамасига кирмаган ҳолда қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги масалани ҳал қилади.

19. ЖПК 243-моддасининг ўнинчи қисмига кўра, тўпланган материаллар етарли бўлмаган тақдирда, суд тарафлар қўшимча далиллар тақдим этишлари учун уларнинг илтимосномасига асосан ушлаб туриш муддатини қирқ саккиз соатгача узайтириши мумкин.

Агар белгиланган муддатда тарафлар томонидан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш

асослилиги ёки асоссизлигига доир қўшимча далиллар тақдим этилмаса, суд мавжуд материалларга асосланган ҳолда қарор қабул қилади.

Илтимоснома прокурор томонидан чақириб олинган тақдирда у суд томонидан қўрилмасдан қолдирилади ва бу ҳақда ажрим чиқарилади.

20. Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома қаноатлантирилганда ажримнинг қарор қисмида мазкур эҳтиёт чораси қандай муддатга қўлланилаётганлиги кўрсатилмайди.

Айни пайтда, қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома қаноатлантирилганда, суд ушбу эҳтиёт чораси қайси санагача амал қилишини ажримда кўрсатиши шарт.

Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш масаласи тақдим қилинган илтимоснома бўйича қарор қабул қиларкан имконияти бўлмаганлиги ва қўшимча далиллар тақдим қилиниши зарурлиги сабабли бошқа вақтга қолдирилганда, суднинг ажримида илтимосномани қайта қўриб чиқиш жойи, вақти ва санаси кўрсатилиши шарт.

21. Судьянинг қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёхуд қўллашни рад этиш ҳақидаги ажрими у эълон қилинган пайтдак кучга киради ва дарҳол ижро этилиши шарт.

Судьянинг ажрими суд залида прокурорга ижро қилиш учун, гумон қилинувчи, айбланувчи, ҳимоячига — маълумот учун топширилади.

22. Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимосномани қўриб чиқиш жараёнида қонун бузилганлиги, жумладан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала қўлланилганлиги ҳақида мурожаат қилинган тақдирда, бу ҳақда суд мажлиси баённомасида қайд этилади ва дастлабки тергов давомида назоратни амалга оширувчи прокурор томонидан текширилиб, натижаси ҳақида судга хабар қилинади.

23. Илтимоснома қаноатлантирилмай қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш рад қилинганда, гумон қилинувчи, айбланувчи (ушлаб туриш охириги муддати тугаган ёки тугамаганлигидан қатъи назар) суд залида қамоқдан озод қилинади. Бундай ҳолда бошқа турдаги эҳтиёт чорасини қўллаш масаласи дастлабки тергов органи томонидан умумий асосларда ҳал этилади.

24. Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган тақдирда, суд бу ҳақда йигирма тўрт соатдан кечиктирмасдан гумон қилинувчи, айбланувчининг оила аъзоларидан бирига, улар бўлмаган тақдирда – қариндошларига ёки яқин кишиларига ёзма равишда хабар бериши, шунингдек, бу ҳақда иш ёки ўқиш жойига маълум қилиши шарт.

Агар қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахс бошқа давлатнинг фуқароси бўлса, хабар Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига юборилади.

Хабар юборилганлиги ҳақидаги маълумот судда мавжуд бўлган материалга қўшиб қўйилади.

25. Судларга тушунтирилсинки, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш рад қилиниши, эҳтиёт чорасининг бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши, айнан ўша шахсга нисбатан бундай эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома билан судга такроран мурожаат қилишга, башарти ишни тергов қилиш жараёнида уни қамоққа олиш заруратини тақозо этувчи янги ҳолатлар юзага келган бўлса, тўсқинлик қилмайди.

Янги ҳолатлар деганда, жумладан:

қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома суд томонидан рад этилгандан сўнг гумон қилинувчи, айбланувчининг дастлабки терговдан бўйин товлаши, жиноий фаолиятни давом эттириши;

гумон қилинувчи, айбланувчининг жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилиши;

гумон қилинувчи, айбланувчига бошқа ёки оғиррок жиноят содир этганликда айб эълон қилиниши тушунилиши лозим.

26. Қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақидаги илтимосномани рад этиш тўғрисида қарор қабул қилган судьянинг айнан ўша гумон қилинувчи, айбланувчига нисбатан шундай илтимоснома билан такроран мурожаат қилинганда иштирок этиши қонунда тақиқланмаган.

Қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамокда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисида масала бўйича ажрим чиқарган судья, шунингдек бундай илтимосномани киритган прокурор, шу шахсга нисбатан жиноят ишини мазмунан кўриб чиқишда ҳам иштирок этиши мумкин, ЖПК 76-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

27. Қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамокда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги масала бўйича судьянинг ажрими устидан, у чиқарилган кундан бошлаб, етмиш икки соат ичида гумон қилинувчи, айбланувчи, унинг химоячиси ва қонуний вакили томонидан апелляция тартибида шикоят берилиши, прокурор томонидан протест билдирилиши мумкин.

Апелляция шикояти (протести) берилиши эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги масала бўйича қабул қилинган қарорнинг ижросини тўхтатмайди.

Апелляция шикояти (протести) ажрим чиқарган суд орқали берилади. Шикоят (протест) бериш муддати ўтгандан сўнг, тегишли суд раиси ЖПК 479-моддасида назарда тутилган талабларни бажариб, материални шикоят (протест) билан бирга йигирма тўрт соат ичида апелляция инстанцияси судига юборади.

Қонунда қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўллаш ёки қамокда сақлаб туриш муддатини узайтириш масаласи бўйича чиқарилган ажрим устидан кассация шикояти (протести), назорат тартибида шикоят (протест) билдирилиши назарда тутилмаган.

28. Суднинг қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги масала бўйича чиқарилган ажрими устидан етмиш икки соат ўтгандан сўнг берилган шикоят (протест) кўрмасдан қолдирилади, бу ҳақда уларни берган шахсларга маълум қилинади (ЖПК 497⁴-моддаси).

29. Суднинг қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги масала бўйича чиқарилган ажрими устидан берилган шикоят (протест), апелляция инстанцияси суди томонидан учта судьядан иборат таркибда, суднинг биносида, ёпиқ суд мажлисида келиб тушган вақтидан бошлаб, етмиш икки соатдан кечиктирмасдан кўриб чиқилади.

30. Суд мажлиси раислик этувчи томонидан қандай шикоят (протест) кўриб чиқилишини эълон қилиши билан бошланади. Сўнгра раислик этувчи судьялар, прокурор, химоячи, қонуний вакил, гумон қилинувчи ёки айбланувчи, котиб, таржимон, терговчининг фамилияси, исми, шарифини эълон қилади, гумон қилинувчи, айбланувчининг шахсини аниқлайди ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради, рад этиш ҳақидаги арзлар бор-йўқлигини аниқлайди. Бундай арзлар мавжуд бўлса, суд ҳайъати улар бўйича ЖПК 76, 80-моддаларига мувофиқ қарор қабул қилади.

Шикоят (протест)ни кўриб чиқиш судьялардан бирининг маърузаси билан бошланади, у кўрилаётган масаланинг моҳияти, шикоят (протест) важлари ҳамда уларга қарши билдирилган эътирозлар моҳиятини баён қилади. Сўнгра шикоят (протест) берган шахс эшитилади. Ҳам шикоят, ҳам протест берилган тақдирда, биринчи бўлиб прокурор сўзга чиқади. Суд зарурат юзага келса, терговчини эшитади, тақдим этилган материалларни текширади. Шундан кейин суд ажрим чиқариш учун маслаҳатхонага киради.

Шикоят (протест)ни апелляция инстанцияси судида кўришда ЖПК 426-моддасида назарда тутилган

қоидаларга мувофиқ суд мажлиси баённомаси юритилади.

31. Апелляция инстанцияси суди қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги масала бўйича чиқарилган ажрим устидан берилган шикоят (протест)ни кўриб чиқиб, ўзининг ажрими билан:

а) судьянинг ажримини ўзгаришсиз, шикоят ёки протестни қаноатлантормасдан қолдиришга;

б) судьянинг ажримини бекор қилиш ва:

қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашни рад этиш ҳамда гумон қилинувчи, айбланувчини қамоқдан озод қилишга;

гумон қилинувчи, айбланувчига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашга;

айбланувчига нисбатан қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтиришга;

айбланувчига нисбатан қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтиришни рад этишга ва, агар қонунда белгиланган қамоқда сақлаб туриш муддатлари тугаган бўлса, уни қамоқдан озод этишга ҳақли.

Апелляция инстанцияси судининг ажрими прокурорга ижро қилиш учун, суд мажлисининг бошқа иштирокчиларига – маълумот учун тақдим этилади.

32. Апелляция инстанцияси судининг қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги масала бўйича чиқарилган ажрими ўқиб эшиттирилган пайтдан эътиборан қучга қиради ва дарҳол ижро қилиниши лозим.

Апелляция инстанцияси судининг қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги масала бўйича чиқарилган ажрими узил-кесил ҳисобланиб, унинг устидан назорат тартибида шикоят (протест) берилишига йўл қўйилмайди.

33. Апелляция инстанцияси судида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаб

туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги масалага оид материални кўришда қатнашган судья, шунингдек прокурор, айнан шу шахсга нисбатан жиноят ишени мазмунан биринчи, апелляция, кассация инстанцияларида ёхуд назорат тартибида кўришда иштирок этишга ҳақли, ЖПК 76-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

34. ЖПК 3-моддасига кўра, жиноят ишени юритиш процессуал ҳаракат амалга оширилаётган ёки процессуал қарор қабул қилинаётган пайтда амалда бўлган қонун ҳужжатларига мувофиқ олиб борилади. Шу муносабат билан «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун нормалари фақат қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги масала юзасидан 2008 йил 1 январдан бошлаб чиқарилган қарорларга тааллуқлидир.

Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисида 2008 йил 1 январга қадар чиқарилган қарорлар янги қонун бўйича қайта кўриб чиқилмайди.

35. Мазкур қарор 2008 йил 1 январдан бошлаб қўлланилади.

Олий суд раиси

Б. Мустафаев

**Пленум котиби,
Олий суд судьяси**

М. Ҳасанов

Тошкент шаҳри,
2007 йил 14 ноябрь,
16-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИ АЙРИМ ҚАРОРЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА*

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг айрим қарорларига «Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларидан келиб чиқиб ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарурати юзага келганлиги, ушбу масалалар бўйича Пленум томонидан тегишли тушунтиришлар берилганлиги муносабати билан, «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қуйидаги қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1. Олий суд Пленумининг 1997 йил 2 майдаги «**Суд ҳукми тўғрисида**»ги қарори:

а) **преамбуланинг тўртинчи хатбошисидаги «қоралов» деган сўз «айблов» деган сўз билан алмаштирилсин;**

б) **14-банди чиқарилсин.**

2. Олий суд Пленумининг 1997 йил 22 августдаги «**Суд томонидан жиноят ишларини биринчи босқич судида муҳокама этиш жараёнида процессуал қонунчиликка риоя қилиниши тўғрисида**»ги қарори:

* 2008 йил 1 январдан қучга киради.

а) **14-банднинг биринчи хатбошисидаги** «ўлим» деган сўзлар «умрбод озодликдан маҳрум қилиш ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. Олий суд Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги **«Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори:**

а) **2-банди биринчи хатбошиси** «ЖПКнинг 242, 243-моддаларига» деган сўзлардан кейин «ва Олий суд Пленумининг 2007 йил 14 ноябрдаги «Судга қадар иш юритиш босқичида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасининг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида»ги қарорида кўрсатилган тушунтиришларга» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

4. Олий суд Пленумининг 2001 йил 2 ноябрдаги **«Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунини суд амалиётида қўллаш ҳақида»ги қарори:**

а) **4-бандидаги** «Ҳукм ижро қилинганга қадар маҳкум 60 ёшга тўлган бўлса, ўлим жазоси қонунда белгиланган тартибда озодликдан маҳрум қилиш жазосига ўзгартирилади» деган жумла чиқарилсин.

б) **10-банднинг биринчи хатбошисидаги** «182, 184, 188, 189-моддалари» деган сўзлар «182, 184, 188, 189, 190-моддалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. Олий суд Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги **«Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори:**

а) **9-банди** «қонуний вакилига» деган сўзларидан кейин «ЖПК 217-моддасининг биринчи қисмида

белгиланган тартиб ва муддатда» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

б) **14-банднинг тўртинчи хатбошисидаги** «ўлим» деган сўз «умрбод озодликдан маҳрум қилиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

в) **16-банди иккинчи хатбошиси** «сўроқ қилинаётганда» деган сўзлардан кейин «камоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш масаласи ҳал қилинаётган,» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

г) **16-банднинг учинчи хатбошисидаги** «қарор» деган сўз «қарор (ажрим)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

д) **24-банднинг иккинчи хатбошисидаги** «ўлим» деган сўз «умрбод озодликдан маҳрум қилиш ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. Олий суд Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «**Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида**»ги қарори:

а) **преамбуланинг иккинчи хатбошисидаги** «ўлим» деган сўз «умрбод озодликдан маҳрум қилиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) **28-банди** чиқарилсин.

7. Олий суд Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги «**Судлар томонидан амнистия актларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида**»ги қарори:

а) **30-банднинг биринчи хатбошисидаги** «назорат» деган сўз чиқарилсин.

б) **30-банд** қуйидаги мазмундаги **иккинчи хатбоши** билан тўлдирилсин.

«Назорат инстанцияси суди эса суд раиси ёки прокурорнинг протести асосида суд қарорларининг жазо тайинлаш қисмини бекор қилиб, жиноят ишини янгидан судда кўриб чиқиш учун юбориши мумкин».

в) **30-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошилари** тегишлича **учинчи ва тўртинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

г) ўзбек тилидаги матнининг **30-банди учинчи хатбошиси** «апелляция» сўзидан кейин «кассация, назорат» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

8. Олий суд Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги **«Жиноий ҳаракатлар оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаш масаласига доир суд амалиёти тўғрисида»ги қарори:**

а) **19-бандидаги** «(ЖКнинг 167-моддаси)» деган сўзлар «(ЖК 233-моддаси)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. Олий суд Пленумининг 2002 йил 25 октябрдаги **«Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиётининг айрим масалалари ҳақида»ги қарори:**

а) **9-бандидаги** «МЖтК 186¹-моддаси ва» деган сўзлар чиқарилсин;

б) **15-бандидаги** «(МЖтКнинг 186¹-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно)» деган сўзлар чиқарилсин.

Олий суд раиси

Б. Мустафаев

**Пленум котиби,
Олий суд судьяси**

М. Ҳасанов

Тошкент шаҳри,
2007 йил 14 ноябрь,
17-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРОРИНИНГ БУЙРУҒИ

ҚАМОҚҚА ОЛИШГА САНКЦИЯ БЕРИШ ҲУҚУҚИ СУДЛАРГА ЎТКАЗИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ ҲИМОЯСИНИ САМАРАЛИ ТАЪМИНЛАШ ЮЗАСИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИ КУЧАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА*

Мустақиллик йилларида давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳалари умумэътироф этилган демократик ғоялар, миллий кадриятлар, Ўзбекистон ўзи танлаган ривожланиш ва тараққиёт йўли асосида тубдан ислоҳ қилинмоқда.

Инсон, унинг ҳаёти, ҳуқуқ ва эркинликлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида энг олий кадрият сифатида эътироф этилди.

Фуқароларнинг эркин ва фаровон ҳаётини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоялашдек ғоят муҳим масалаларга жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли давлат дастурларининг бош мезони сифатида қаралмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 августдаги Фармони асосида қабул қилинган «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун суд-ҳуқуқ соҳасида изчил амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг янги босқичини бошлаб берди.

Жиноят судлов жараёнида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини янада кафолатлашга хизмат

* 2008 йил 1 январдан қучга қиради.

киладиган ушбу Қонунни амалда тўғри тадбик этилишида суриштирув ва дастлабки тергов устидан назоратни амалга ошираётган прокурорларнинг хизмат вазибаларига юқори масъулият билан ёндашиши муҳим аҳамият касб этади.

Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан дастлабки тергов жараёнида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари химоясини самарали таъминлаш юзасидан прокурор назоратини кучайтириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунининг 13-моддасига асосан, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг тегишли тармоқ бошлиқлари, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, вилоятлар, туман-шаҳар прокурорлари ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорлар жиноят ишлари бўйича суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида Ўзбекистон Республикасининг «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига қатъий риоя қилинишини таъминласинлар.

2. Қонун талабларига кўра, 2008 йил 1 январдан эътиборан дастлабки тергов давомида айбланувчиларга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш, шунингдек, қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш жиноят содир қилинган ёки дастлабки тергов юритилаётган жойдаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг, округ, ҳудудий ҳарбий судининг судьяси томонидан амалга оширилиши инобатга олинсин.

3. Қонунга мувофиқ қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома фақат айбланувчиларга нисбатан, алоҳида ҳолларда эса ушлаб турилган гумон қилинувчиларга нисбатан қонунда назарда тутилган асослар мавжуд бўлганида,

тегишли прокурорнинг қарори билан ёки прокурорнинг розилиги асосида терговчининг қарори билан қўзғатилади ва судлар томонидан кўриб чиқилади.

3.1. Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ва терговчининг бу ҳақдаги қарорига розилик бериш бўйича қонунда қайд этилган ваколатлар қуйидаги прокурорларга тегишли бўлиши белгилаб қўйилсин:

– туман-шаҳар миқёсидаги тергов органи иш юритувидаги жиноят ишлари бўйича тегишли туман-шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар ёки уларнинг ўринбосарларига;

– вилоятлар ва уларга тенглаштирилган миқёсдаги тергов органи иш юритувидаги жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар ёки уларнинг ўринбосарларига;

– республика миқёсидаги тергов органи иш юритувидаги жиноят ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларига.

Шунингдек, юқори турувчи прокурорлар ўз ваколатлари доирасида қуйи тергов органлари иш юритувида бўлган жиноят ишлари бўйича қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома қўзғатиши ёки бундай илтимоснома қўзғатиш ҳақидаги терговчининг қарорига розилик бериши мумкин.

4. Айбланувчига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома қўзғатишда қонунда белгиланган асослар мавжудлигига алоҳида эътибор қаратилсин, эҳтиёт чораси айбланувчининг терговдан бўйин товлашининг ҳамда унинг бундан буёнги жиноий фаолиятининг олдини олиш, шунингдек, унинг иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга ҳалал берадиган уринишларига йўл қўймаслик, жазонинг муқаррарлигини таъминлаш мақсадида қўлланиши инобатга олинсин.

5. Қонун талабларига кўра, эҳтиёт чораси сифатида қамокқа олиш асосан Жиноят кодексида уч йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган қасддан содир этилган жиноятларга доир ҳамда эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, бунинг учун Жиноят кодексида беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича қўлланилади.

5.1. Алоҳида ҳолларда эса, яъни айбланувчи терговдан яширинганида, ушлаб турилган гумон қилинувчининг шахси аниқланмаганида, илгари қўлланилган эҳтиёт чораси айбланувчи томонидан бузилганида, ушлаб турилган гумон қилинувчи ёки айбланувчи Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойига эга бўлмаганида, жиноят қамок ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўташ даврида содир этилганида ёхуд бу жазолардан бирортасини ўтаётган шахсга нисбатан бошқа жиноят иши юзасидан тергов олиб борилаётганда, ушбу эҳтиёт чораси уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган қасддан содир этилган жиноятларга доир, шунингдек, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, бунинг учун беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича қўлланилади.

5.2. Вояга етмаган шахсга нисбатан қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси фақат қонунда белгиланган асослар мавжуд бўлганда ва унга беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тайинланиши мумкин бўлган қасддан жиноят содир этганликда айб эълон қилинган ҳамда айбланувчининг муносиб ҳуқуқ-атворда бўлишини бошқа эҳтиёт чоралари таъминлай олмайдиган тақдирда қўлланиши мумкинлиги ҳақидаги қонун талабларига қатъий риоя қилинсин. Эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жиноятлар бўйича вояга етмаганларга нисбатан қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт

чораси қўллаш тўғрисида илтимоснома қўзғатилишига йўл қўйилмасин.

6. Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома қўзғатишда ва бундай илтимоснома қўзғатиш тўғрисидаги терговчининг қарорига розилик беришда прокурорларнинг шахсий масъулияти оширилсин. Бунда прокурорлар суриштирув ва тергов жараёнида жиноят-процессуал қонунчилик талабларига қатъий риоя қилинганлигига, ижтимоий хавфли қилмиш Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан тўғри малакаланганлигига жиноят иши ҳужжатларини ўрганган ҳолда баҳо бериб, зарур ҳолларда қамоққа олинаётганларни шахсан сўроқ қилсинлар.

Прокурорлар вояга етмаган шахсга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақидаги масалани кўриб чиқишда иш материаллари билан шахсан танишиб чиқиши, илтимосноманинг асослилигини текшириши, ходисанинг фавқулоддалигига ишонч ҳосил қилиши ва айбланувчини ушбу эҳтиёт чорасини қўллаш билан боғлиқ ҳолатлар бўйича ҳимоячининг иштирокида сўроқ қилиши шартлиги ҳақидаги қонун талабларини оғишмай бажарсинлар.

6.1. Айбланувчи (гумонланувчи)га нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақидаги қарорда, шахс гумон қилинаётган ёки айбланаётган жиноий қилмиш квалификацияси, шахсни қамоққа олиш заруратини келтириб чиқарган асослар, шунингдек, бошқа турдаги эҳтиёт чорасини қўллаш мумкин эмаслиги ҳақидаги фикрлар баён этилсин.

7. Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома қўзғатилаётган жиноят ишида айбланувчининг (гумон қилинувчининг) шахсига оид ва бошқа қўйидаги ҳужжатлар мавжуд бўлиши талаб қилинади:

– шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар;

– яшаш ва иш (ўқиш) жойларидан берилган расмий маълумотлар ҳамда тавсифномалар;

– оилавий аҳволи, вояга етмаган фарзандлари ва қарамоғидаги шахслар ҳақидаги маълумотлар;

– муқаддам судланган ёки судланмаганлиги ҳақидаги ваколатли органлардан олинган маълумотлар (талабномалар);

– айбланувчи терговдан яширинганида, ушлаб турилган гумон қилинувчининг шахси аниқланмаганида, илгари қўлланилган эҳтиёт чораси айбланувчи томонидан бузилганида, ушлаб турилган гумон қилинувчи ёки айбланувчи Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойига эга бўлмаганида ушбу ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжатлар;

– жиноят иши бўйича етказилган моддий зарарнинг қопланганлиги ҳақидаги ҳужжатлар.

8. Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақидаги қарор судга юборилаётганда қуйидаги ҳужжатларнинг нусхалари илова қилинсин:

– жиноят иши қўзғатиш тўғрисидаги қарор;

– шахсни гумон қилинувчи тариқасида ушлаб туриш баённомаси;

– шахсни ишда айбланувчи (гумон қилинувчи) тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарор;

– айбланувчининг (гумон қилинувчининг) шахсига оид маълумотлар;

– Жиноят-процессуал кодексининг 239-моддаси иккинчи қисмида кўрсатилган шахсларга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома қўзғатилганда, қарорга тегишли давлат органи ёки мансабдор шахснинг розилиги акс эттирилган ҳужжатнинг нусхаси;

– қидирувда бўлган айбланувчига нисбатан қидирув эълон қилиш тўғрисидаги қарор;

– ишда айбланувчининг қонуний вакили ёки ҳимоячининг иштирок этаётганлиги ҳақидаги

маълумотлар (ордер, химоячидан воз кечиш ҳақидаги баённома).

Материаллар нухаси прокурор ёки терговчи томонидан тасдиқланган ва муҳрланган бўлиши шарт.

Гумон қилинувчи, айбланувчи, химоячи (агар у қатнашаётган бўлса) илтимоснома ва унга илова қилинган материаллар билан танишиш тўғрисида муурожаат этган тақдирда уларни судга қадар таништирилиши таъминлансин.

9. Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома юқорида қайд этилган зарур ҳужжатларни илова қилган ҳолда прокурорнинг алоқа хати билан девонхона орқали расмийлаштирилиб, қонунда белгиланган тартибда зудлик билан тегишли судга тақдим этилсин.

Судья бўлмаганда ёки илтимосномани кўриб чиқишда судьянинг иштирокини истисно этувчи ҳолатлар мавжуд бўлганда, илтимоснома киритган прокурор ёзма равишда мазкур суд раисига, суд бир таркибли бўлганда эса юқори турувчи суд раисига зудлик билан муурожаат қилсин.

10. Жиноят иши бўйича бир йўла икки ва ундан ортиқ айбланувчиларга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш зарурати бўлган тақдирда, ушбу эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақидаги қарор ва илтимосномани асослантирувчи зарур материаллар ҳар бир айбланувчи бўйича алоҳида расмийлаштирилсин ва судга тақдим қилинсин.

11. Суриштирув жараёнида гумон қилинувчига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш учун асослар аниқланган тақдирда суриштирувчи Жиноят-процессуал кодексининг 342-моддаси тартибда суриштирув юритиш муддати ўтишини кутмасдан ишни зудлик билан терговчига ўтказсин.

11.1. Ушлаб турилган гумон қилинувчининг шахси аниқланмаганида ва унинг терговдан қочиб

яшириниши мумкинлиги эҳтимolini тасдиқловчи аниқ асослар бўлган тақдирда терговчилар томонидан ушлаб туриш муддати тугашидан камида ўн беш соат олдин қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома кўзғатилиб, тегишли прокурорларга ёки уларнинг ўринбосарларига жиноят иши хужжатлари билан биргаликда тақдим қилинсин.

Тегишли прокурорлар ёки уларнинг ўринбосарлари қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома терговчи томонидан қайси вақтда (дам олиш, байрам кунлари, иш вақти тугаганда) тақдим этилганидан қатъи назар унга розилик бериш масаласини белгиланган тартибда ҳал қилсинлар.

11.2. Ушлаб турилган гумон қилинувчи ёки айбланувчига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома кўзғатиш ҳақидаги қарор ва зарур материалларни ушлаб туриш муддати тугашидан камида ўн икки соат олдин судга тақдим қилиш тартибига қатъий риоя қилинсин.

Бундай ҳолларда гумон қилинувчига нисбатан суд томонидан қамоқ тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилса, гумон қилинувчига у ушланган кундан бошлаб ўн кун ичида белгиланган тартибда айб эълон қилиш, акс ҳолда эҳтиёт чорасини бекор қилиб уни қамоқдан озод этиш чоралари кўрилсин.

12. Жиноят процессида иммунитет ҳуқуқидан фойдаланувчи шахсларга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома прокурорлар томонидан тегишли давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг розилиги қонунда белгиланган тартибда олингандан сўнггина кўзғатилсин.

12.1. Адвокатлар фаолиятининг ҳуқуқий кафолатини таъминлаш мақсадида уларга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома кўзғатиш ҳақидаги қарорлар фақатгина Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент

шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидан қабул қилиниши белгилаб қўйилсин.

13. Гумон қилинувчи ёки айбланувчига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома терговчи томонидан етарли асосларсиз қўзғатилган бўлса ёхуд иш ҳолатларига кўра уларга нисбатан бошқа енгилроқ эҳтиёт чорасини қўллаш мақсадга мувофиқ деб топилса, назорат қилувчи прокурор ёки унинг ўринбосари қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимосномага розилик бермаслик сабабларини асослантириб, ёзма кўрсатма билан ҳужжатларни терговчига қайтарсин.

Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома шахсга нисбатан қамоқ эҳтиёт чорасини танлаш зарурати қолмаганлиги ёки етарли асосларсиз қўзғатилганлиги ёхуд иш ҳолатларига кўра бошқа енгилроқ эҳтиёт чорасини қўллаш мақсадга мувофиқ деб топилса, суд алоҳида хонага киргунга қадар илтимосномани чақириб олиш прокурорлар томонидан таъминлаб борилсин.

14. Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш, шунингдек, қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимосномаларнинг судда кўрилишида, қоида тариқасида, туман-шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар ёки уларнинг ўринбосарлари қатнашсин.

Алоҳида ҳолларда юқори турувчи прокурорнинг кўрсатмасига асосан ушбу масалаларнинг суд муҳокамасида тегишли илтимосномани судга ким киритгани ва унга розилик берганидан қатъи назар прокуратура органларининг бошқа ходимлари ҳам иштирок этиши мумкинлиги белгилансин.

15. Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимосномани судда кўриш

жараёнида жиноят иши юзасидан дастлабки тергов даврида қонунбузиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги ҳақида маълумотлар аниқланса, бу ҳолатлар бўйича прокурорлар томонидан зудлик билан хизмат текшируви ўтказилиб, айбдор шахсларга нисбатан қонунда белгиланган қатъи чоралар кўрилиши ва натижаси ҳақида судга хабар қилиниши таъминлансин.

16. Қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимосноманинг суд муҳокамасида иштирок этаётган прокурор судьянинг мустақиллиги ҳамда томонларнинг тенглиги ва тортишув тамойилларига қатъий риоя қилган ҳолда ўз маърузасида жиноят тафсилотлари, унинг ижтимоий хавфлилик даражаси, жабрланувчи ва айбланувчининг шахсига доир маълумотлар, айбланувчига нисбатан қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш учун мавжуд қонуний асосларни баён қилган ҳолда ушбу эҳтиёт чорасини қўллаш заруратини асослантириб берсин.

16.1. Суд муҳокамасида иштирок этаётган прокурор зарур ҳолларда муҳокамада қатнашиш учун терговчини таклиф этиш ёки қамок тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш заруратини асослантирувчи қўшимча далилларни тақдим қилиш мақсадида ушлаб туриш муддатини қирқ саккиз соатдан кўп бўлмаган муддатга узайтириш тўғрисида илтимоснома киритсин ёхуд ўз ташаббуси билан жиноят ишининг муҳокама этилаётган масала юзасидан қонуний ажрим чиқарилишига хизмат қиладиган ҳужжатларни тергов сирини сақлаш қоидаларига амал қилган ҳолда суд эътиборига ҳавола этсин.

16.2. Шунинг билан биргаликда, терговчининг суд муҳокамасидаги иштироки иш юритувидаги жиноят иши бўйича далилларни тўплаш, жиноят туфайли етказилган моддий зиённи қопланишини таъминлашдек кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини зудлик билан ўтказиш манфаатларига путур етказмаслиги лозимлиги кўрсатиб ўтилсин.

17. Судьянинг қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки уни қўллашни рад этиш тўғрисидаги ажрими ўқиб эшиттирилган пайтдан эътиборан кучга киришини инобатга олиб, прокурорлар ушбу ажримларни тергов органлари томонидан дарҳол ижро қилинишини таъминлаш чораларини кўрсинлар.

17.1. Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш рад қилинган тақдирда, ўша гумон қилинувчига, айбланувчига нисбатан мазкур масала бўйича такроран судга мурожаат қилишга қамоққа олишни тақозо этадиган янги ҳолатлар юзага келганда, яъни айбловнинг оғирроғига ўзгартирилганлиги, айбланувчининг танланган эҳтиёт чорасини бузганлиги ва бошқа шу каби ҳолатларда йўл қўйилиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилсин.

18. Тегишли прокурорлар ёки уларнинг ўринбосарлари қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашни ёки қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтиришни рад этиш тўғрисидаги суд ажримлари билан келишган тақдирда, терговчи томонидан айбланувчига нисбатан бошқа эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида кўрсатма берсинлар. Судларнинг бундай ажримлари билан келишилмаган тақдирда қонунда белгиланган тартибда апелляция тартибида протест билдирилсин.

Айни вақтда судлар томонидан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш рад қилинган тақдирда, бу ҳақдаги ажрим устидан апелляция шикоят ёки протест билдирилганидан қатъи назар тергов органлари суд ажримини олгач, ушлаб турилган гумон қилинувчи ёки айбланувчини зудлик билан озод қилишлари лозимлиги алоҳида кўрсатиб ўтилсин.

19. Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки уни қўллашни рад этиш ёхуд қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш ёки узайтиришни рад этиш тўғрисидаги суд ажримлари устидан билдирилган шикоят ёки протест апелляция

инстанцияси судида кўрилатганда, коида тарикасида, апелляция протести билдирган прокурорлар қатнашсинлар.

Алоҳида ҳолларда юкори турувчи прокурорнинг кўрсатмасига асосан апелляция инстанцияси судида прокуратура органларининг бошқа ходимлари ҳам иштирок этиши мумкинлиги белгилансин.

Бунда тегишли прокурорлар томонидан қонуний асослар мавжуд бўлган ҳолларда апелляция протестини ўзгартириш, тўлдириш ёки чақириб олиш ваколатларидан самарали фойдаланилсин.

20. Дастлабки тергов босқичида қамокда сақланаётган айбланувчиларнинг, уларнинг химоячилари ёки бошқа манфаатдор шахсларнинг эҳтиёт чорасини ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисида прокурорга ёки терговчига йўлланган аризаларининг белгиланган муддатда қонуний ҳал этилиши таъминлансин.

20.1. Жиноят иши тергови жараёнида жиноят натижасида келиб чиққан ижтимоий хавфли оқибатларнинг бартараф қилиниши, айбловни енгилроғига ўзгартирилиши, жиноят ишини реабилитация асосларига кўра ёки айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб тугатиш учун асослар юзага келиши муносабати билан ёхуд бошқа объектив сабабларга кўра айбланувчини бундан буён қамокда сақлаб туриш зарурати йўқолган тақдирда прокурор ёки унинг розилиги асосида терговчи мазкур эҳтиёт чорасини ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисида асослантирилган қарор қабул қилсин. Қабул қилинган қарор хусусида қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаган судга албатта хабар берилсин.

21. Дастлабки тергов даврида айбланувчини қамокда сақлаб туриш муддатини узайтиришда қонун талабларига қатъий амал қилинсин.

21.1. Қамокда сақлаб туриш муддатида терговни тамомлашнинг имкони бўлмаган ҳолларда ва эҳтиёт чорасини ўзгартириш учун асослар бўлмаган тақдирда,

тегишлича Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, унинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг илтимосномасига асосан суд томонидан узайтирилиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилсин.

21.2. Қамокда сақлаб туриш муддатини узайтириш масаласи юзасидан бунга бўлган зарурат ва асосларни кўрсатган ҳолда терговчи ёки тергов бўлинмалари бошлиқлари назоратни амалга оширувчи прокурорга тақдимнома киритсин.

Айбланувчини қамокда сақлаб туриш муддатини узайтириш ҳақида илтимоснома киритиш тўғрисидаги тақдимнома 3 ойлик ва 5 ойлик муддат тамом бўлишидан 10 кун, ундан ортиқ қонунда кўрсатилган муддатларга узайтириш талаб этилган ҳолларда қамокда сақлаб туриш муддати тамом бўлишидан 15 кун олдин ваколатли прокурорга жиноят иши билан биргаликда терговнинг чўзилиб кетганлиги сабаблари, текширилиши лозим бўлган тусмоллар ва ҳолатлар, сўралаётган қўшимча муддат кўрсатилган ҳолда тақдим этилсин.

21.3. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорларга қамокда сақлаб туриш муддатини 5 ойгача узайтириш ҳақида илтимоснома киритиш тўғрисидаги тақдимнома туман-шаҳар миқёсидаги тергов органларининг иш юритувидаги жиноят ишлари бўйича туман-шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидан, вилоят миқёсидаги тергов органларининг иш юритувидаги жиноят ишлари бўйича тегишли орган тергов бошқармаси ва бўлимлари бошлиқлари томонидан тақдим этилсин.

21.4. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига қамокда сақлаб туриш муддатини 5 ойдан ортиқ муддатга узайтириш ҳақида илтимоснома киритиш тўғрисидаги **тақдимнома вилоят прокурорлари ва уларга**

тенглаштирилган прокурорлар томонидан юқорида белгиланган муддатларда юборилиши таъминлансин.

Республика миқёсидаги тергов органларининг иш юритувидаги жиноят ишлари бўйича қамокда сақлаб туриш муддатини узайтириш ҳақида илтимоснома киритиш тўғрисидаги тақдимнома тегишли орган тергов маҳкамаси раҳбарлари томонидан тақдим этилиши белгилаб қўйилсин.

21.5. Бош прокуратура, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратураларнинг дастлабки тергов устидан назоратни амалга оширувчи тегишли тармоқлари қамокда сақлаб туриш муддатини узайтириш ҳақида илтимоснома киритиш тўғрисидаги тақдимномаларни жиноят иши ҳужжатлари билан биргаликда ўрганиб чиқиб, унинг асослилиги юзасидан иш ҳолатлари ва тўпланган далилларга таяниб хулоса тузсинлар ва яқуний қарор қабул қилиш учун ваколатли прокурорларга тақдим этсинлар.

21.6. Прокурорлар томонидан қамокда сақлаб туриш муддатини узайтириш ҳақида илтимоснома киритиш тўғрисидаги тақдимнома қувватланган тақдирда, бу ҳақда тегишли қарор қабул қилиб, ушбу қарорни ва уни асослантирувчи зарур материалларни қамокда сақлаб туришнинг белгиланган муддати тугашидан камидан олти сутка олдин тақдимнома киритган тергов органи орқали судга тақдим этсинлар.

Прокурорлар томонидан қамокда сақлаб туриш муддатини узайтириш ҳақида илтимоснома киритиш тўғрисидаги тақдимнома қувватланмаган тақдирда, унинг асосларини баён этган ҳолда ёзма кўрсатма билан ҳужжатлар тегишлилиги бўйича қайтарилсин.

21.7. Жиноят иши бўйича икки ва ундан ортиқ айбланувчиларнинг қамокда сақлаб туриш муддатини узайтириш зарурати мавжуд бўлганида, унда тегишли қарор ва уни асослантирувчи зарур материаллар ҳар бир айбланувчи бўйича алоҳида расмийлаштирилиши лозимлиги кўрсатиб ўтилсин.

22. Ушлаб турилган гумон қилинувчи ёки айбланувчини қамоққа олиш, айбланувчини қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш масаласи судда муҳокама қилинаётганда уларни суд мажлисига олиб келиш, суд муҳокамаси натижаларига кўра гумон қилинувчи ёки айбланувчини ушлаб турилганларни сақлаш жойларига ёки тергов хибсхоналарига белгиланган тартибда жойлаштириш ёхуд уларни дарҳол озод қилиш чораларини кўриш жинойт ишини тергов қилаётган органлар зиммасига юклатилганлигига эътибор қаратилсин.

23. Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаш муддатини узайтиришнинг алоҳида тартиби белгиланганлиги сабабли, 2008 йил 1 январга қадар прокурор томонидан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган бўлса, бундай шахсга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини суд томонидан қайтадан қўллаш талаб этилмаслиги инобатга олинсин.

23.1. 2008 йил 1 январга қадар қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги қабул қилинган қарорлар ЖПКда белгиланган муддат доирасида амал қилади. Бундай ҳолларда қамоқда сақлаш муддатлари шахс ЖПКнинг 221-моддаси тартибда ушланган ёки қамоққа олинган кундан, кидирувда бўлган шахслар учун эса улар ушланган кундан бошлаб ҳисобланади.

Маъкур ҳолатларда қамоқда сақлаб туришнинг процессуал муддатлари тугагач, айбланувчига нисбатан эҳтиёт чорасини ўзгартиришга асослар бўлмаса, қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисида умумий тартибда тегишли судга илтимоснома киритилади.

24. Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари тегишли тармоқ раҳбарлари, вилоят прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар билан биргаликда прокуратура органлари ходимларига

мазкур буйруқ талабларини ўргатиш, амалиётда тўғри тадбиқ этилишини таъминлаш мақсадида услубий қўлланмалар ва тавсиялар тайёрлаб, мунтазам равишда ўқув машғулотлари ўтказилишини ташкил этсин.

25. Мазкур буйруқнинг қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг амалдаги айрим буйруқларига иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

26. Буйруқ 2008 йил 1 январдан кучга кириб, унинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосарларига юклатилсин.

27. Буйруқ прокуратура органларининг барча ходимларига ижросини таъминлаш учун етказилсин ҳамда ваколатли органларнинг терговчилари ва суриштирувчиларига эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси
Бош прокурори
1-даражали давлат адлия
маслаҳатчиси

Р.Х. Қодиров

Тошкент шаҳри,
2007 йил 20 ноябрь,
69-сон

Ўзбекистон Республикаси
Бош прокурорининг
2007 йил 20 ноябрдаги
69-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Бош
прокурорининг айрим буйруқларига
киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 12 апрелдаги 4-сон буйруғи билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Ички ишлар вазирлиги органларида қонунлар ижроси устидан назорат бошқармаси тўғрисидаги Низомнинг:**

а) **2.8 бандида** «камоққа олиш» деган сўзлар «камоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома кўзғатиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) **2.11 бандида** «узайтириш ҳақидаги қарорларнинг» деган сўзлар «узайтириш юзасидан тузилган процессуал ҳужжатларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

в) **5.7 бандида** «камоққа олиш» деган сўзлар чиқариб ташлансин, «тинтув ўтказиш ҳақидаги қарорларни» деган сўзларидан кейин «ва суднинг камоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақидаги ажримини» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

г) **5.8 бандида** «узайтириш ҳақидаги қарорларини» деган сўзлар «узайтириш юзасидан тузилган процессуал ҳужжатларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 12 апрелдаги 7-сон буйруғи билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Қуроли кучлар, Миллий давфсизлик хизмати ва божхона органларида қонунлар ижроси устидан назорат бошқармаси тўғрисидаги Низомнинг 2.6 бандида** «камоққа

олиш» деган сўзлар «қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 12 апрелдаги 8-сон буйруғи билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бошқармаси тўғрисидаги Низомнинг 2.12 ва 6.2 бандларида** «хибсга олиш» деган сўзлар «қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 23 апрелдаги 18-сон буйруғи билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Жиноятларни тергов қилиш бошқармаси тўғрисидаги Низомнинг 2.2 банди иккинчи хатбоши ва 6.2 бандида** «хибсга олиш» деган сўзлар «қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 11 майдаги 20-сон буйруғи билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Халқаро-ҳуқуқий бўлими тўғрисидаги Низомнинг 2.10 банди биринчи хатбошида** «ва қамокқа олиш» деган сўзлар «ва қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 22 июндаги **«Халқаро-ҳуқуқий муносабатларда қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 26-сон буйруғининг 11-бандида** «қамокқа олиш» деган сўзлар «қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 22 июндаги «**Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан прокурорлик назорати фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида**»ги **27-сон буйруғининг:**

а) **13-бандида** «қамокқа олиш» деган сўзлар «қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) **13.1 банди** қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«Прокурорлар вояга етмаган шахсга нисбатан қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақидаги масалани кўриб чиқишда иш материаллари билан шахсан танишиб чиқиши, илтимосноманинг асослилигини текшириши, ҳодисанинг фавқулоддалигига ишонч ҳосил қилиши ва айбланувчини ушбу эҳтиёт чорасини қўллаш билан боғлиқ ҳолатлар бўйича ҳимоячининг иштирокида сўроқ қилиши шартлиги ҳақидаги қонун талабларини оғишмай бажарсинлар».

8. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 9 декабрдаги «**Жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш ҳамда суриштирув ва дастлабки тергов ўтказишда қонунларнинг аниқ бажарилиши устидан прокурор назоратини янада такомиллаштириш тўғрисида**»ги **31-сон буйруғининг:**

а) **6.8, 6.11 бандлари** ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) **6.10 бандида** «ҳибсга олиш» деган сўзлар «қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

в) **9-бандида** «қамокқа олишга санкция бериш, айбланувчини қамокда ушлаб туриш ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

г) **10-бандида** «ва айбланувчини қамокда сақлаш» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

д) **10.1 бандида** «ва айбланувчини қамокда сақлаш» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

е) **10.2 бандида** «ва айбланувчини қамокда сақлаб туриш» ва «ва қамокда сақлаш муддати» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

ж) **10.3 банди биринчи хатбошида** «тергов ва қамокда сақлаш муддатларини узайтириш ҳақидаги илтимосномалар» деган сўзлар «тергов муддатини узайтириш ҳақидаги илтимоснома» деган сўзлар билан, иккинчи хатбошида «тергов ва айбланувчини қамокда ушлаб туриш муддатларини» деган сўзлар «тергов муддатини» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 9 декабрдаги «**Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари, Миллий хавфсизлик хизмати ва божхона органларида қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштириш ҳақида**»ги **34-сон буйруғининг 6.1 банди иккинчи хатбошида** «гумонланувчи ёки айбланувчиларни қамокқа олишга рухсат бериш, қамокда сақлаб туриш ҳамда тергов муддатларини узайтириш» деган сўзлар «гумонланувчи ёки айбланувчиларга нисбатан қамок тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ёки бундай илтимосномага розилик бериш, қамокда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисида илтимоснома киритиш ҳамда тергов муддатини узайтириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2005 йил 17 февралдаги «**Жиноят процессида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлаш юзасидан прокурор назоратини тубдан яхшилаш тўғрисида**»ги **40-сон буйруғининг:**

а) **5-банди иккинчи хатбошида** «тергов ва суриштирув органлари томонидан» деган сўзлар «суриштирув ва дастлабки тергов даврида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) **6** ва **7-бандлари** ўз кучини йўқотган деб хисоблансин;

в) **9-бандида** «қамоқда сақлаш муддатларини узайтириш» деган сўзлар «қамоқда сақлаб туриш муддатларини белгиланган тартибда узайтириш масаласи кўриб чиқиляётганда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

г) **20-банди иккинчи** ва **учинчи хатбошида** «қамоққа олиш» деган сўзлар «қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома кўзғатиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

д) **21-бандида** «қамоққа олиш» деган сўзлар «қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома кўзғатиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2005 йил 27 июндаги 46-сон буйруғи билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Ахборот-таҳлил бўлими тўғрисидаги Низомнинг 46-банди иккинчи хатбошидаги** «қамоққа олиш» деган сўзлар чиқариб ташлансин, «тинтув ўтказиш ҳақидаги қарорларни» деган сўзларидан кейин «ва суднинг қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақидаги ажримини» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2005 йил 27 июндаги 47-сон буйруғи билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Прокуратура органларида терговни назорат қилиш бошқармаси ҳақидаги Низомнинг:**

а) **2.7 бандида** «қамоққа олиш» деган сўзлар «қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома кўзғатиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) **2.8 бандида** «узайтириш ҳақидаги қарорларнинг» деган сўзлар «узайтириш юзасидан тузилган процессуал ҳужжатларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

в) **5.7 бандининг иккинчи хатбошида** «қамоққа олиш» деган сўзлар чиқариб ташлансин, «тинтув ўтказиш ҳақидаги қарорларни» деган сўзларидан кейин «ва суднинг қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақидаги ажримини» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРОРИНИНГ БУЙРУҒИ

ЎЛИМ ЖАЗОСИНИНГ БЕКОР ҚИЛИНИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРОРИНИНГ АЙРИМ БУЙРУҚЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА*

«Ўлим жазосининг бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг айрим буйруқларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунининг 13-моддасига асосан, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 23 апрелдаги 12-сон буйруғи билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бошқармаси тўғрисидаги Низомнинг 4.6 ва 5.10 бандларида** «ўлим жазосига» деган сўзлар «умрбод озодликдан маҳрум қилишга ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилишга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 11 майдаги «**Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда ҳамда қамоққа олинганларни сақлашда қонунларга риоя этилиши устидан назоратни янада такомиллаштириш тўғрисида**»ги **24-сон буйруғининг 4.2 банди** қуйидаги мазмундаги **иккинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Айниқса умрбод озодликдан маҳрум қилинган шахслар томонидан жазони ўташ тартибига қатъий

* 2008 йил 1 январдан кучга киради.

риоя қилиниши, уларни қаттиқ, одатдаги ва енгиллаштирилган шароитларда сақланишининг аҳволи, маҳкумларнинг қонунчиликда кафолатланган ҳуқуқларининг таъминланиши устидан прокурор назорати кучайтирилсин».

3. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 9 декабрдаги «**Жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш ҳамда суриштирув ва дастлабки тергов ўтказишда қонунларнинг аниқ бажарилиши устидан прокурор назоратини янада такомиллаштириш тўғрисида**»ги **31-сон буйруғининг 12.2 бандида** «ўлим жазосига» деган сўзлар «умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари тегишли тармоқ раҳбарлари, вилоят прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар билан биргаликда прокуратура органлари ходимларига мазкур буйруқ талабларини ўргатиш, амалиётда тўғри тадбиқ этилишини таъминлаш мақсадида услубий қўлланмалар ва тавсиялар тайёрлаб, мунтазам равишда ўқув машғулотлари ўтказилишини ташкил этсин.

5. Буйруқ 2008 йил 1 январидан кучга кириб, прокуратура органларининг барча ходимларига ижросини таъминлаш учун етказилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Бош прокурори
1-даражали давлат адлия
маслаҳатчиси

Р.Х. Қодиров

Тошкент шаҳри,
2007 йил 20 ноябрь,
70-сон

МУНДАРИЖА

Суъ боши	3
Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси [Кўчирма]	6
«Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 июлдаги ЎРҚ–99-сон Қонуни	8
«Қамокқа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 июлдаги ЎРҚ–100-сон Қонуни	19
«Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августдаги ПФ–3641-сон Фармони	35
«Қамокқа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 августдаги ПФ–3644-сон Фармони	40
«Умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 14 ноябрдаги 15-сон қарори	45
«Судга қадар иш юритиш босқичида қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасининг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 14 ноябрдаги 16-сон қарори	51
«Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми айрим қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 14 ноябрдаги 17-сон қарори	67

«Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини самарали таъминлаш юзасидан прокурор назоратини кучайтириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2007 йил 20 ноябрдаги 69-сон буйруғи	71
